



Тадриқури Бекатлари

Гуландом ТОҒАЕВА

# СУВАЙДОГА ЙЎЛ

Шеърлар



84 (59)

T-73

**Kitob shu yerda ko'rsatilgan muddatdan  
kechiktirilmagan holda topshirilishi shart**


Ilgarigi berilmalar miqdori \_\_\_\_\_

--	--

Гуландом ТОҒАЕВА

# СУВАЙДОГА ЙЎЛ

Шеърлар



УЎК: 821.512.133-1

КБК: 84(5Ў)6

Т 73

Тоғаева, Гуландом

**Сувайдога йўл: шеърлар / Г. Тоғаева – Тошкент:**  
“Yurist-media markazi” нашриёти, 2018. – 128 б.

ISBN 978-9943-5130-3-7

УЎК: 821.512.133-1

КБК: 84(5Ў)6

Такризчи ва масъул муҳаррир:  
**Олимжон Ўсаров,**  
филология фанлари номзоди

ISBN 978-9943-5130-3-7

© “Yurist-media markazi” нашриёти



## МУАЛЛИФДАН

Қадимги битикларда айтилишича, ҳар бир инсон қалбида уч юз олтмиш мингта ҳикмат яширинган экан. Оқил одам ўз устозлари кўмагида тинимсиз меҳнат қилиб, ана шу ҳикматларни юзага чиқара олса, жамиятга ва одамларга катта нафи етар экан.

Биз биргина гапни сўзлаётган ёки ўқиётган пайтимизда 25 000 000 та хужайра нобуд бўлишга улгурар экан. Бироқ шу билан бирга вужудимиз 300 миллиарддан зиёд янги хужайраларни ҳам ишлаб чиқади. Яратиш ишки билан ёниш, ўзгалар дарди ва қувончига шерик бўлиш, одамларга керакли бўлишдан ҳам ортиқ бахт борми дунёда?!

Зеро, яшашнинг бош матлаби ҳам ҳаётга бўлган меҳр-муҳаббатни акс эттиришдир. Менимча, шеърият — ғоя, тафаккур ва таассурот йиғиндиси. Шу боис у инсон қалбида ғалаба қилишига, кишида шиддат ва умидли муҳаббат уйғотишига ишонаман.

Икки оғиз ўзим ҳақимда. 1972 йилнинг 1 январида Сурхондарё вилояти, Денов (ҳозирги Олтинсой) туманидаги Катта Вахшивор кишлоғида таваллуд топдим. Мен туғилган гўша тоғлар бағрида бўлиб, денгиз сатҳидан икки минг метр баландликда жойлашган. Ҳавоси шу қадар тозаки, нафас олсанг бағринг яйрайди.

Булоқларидан оқаётган сув шу қадар ширин ва шифобахшки, ичсанг, дилингдаги бор захматлар арийди, кўнглинг қонади. Мен туғилган ҳовлидан баланд ва пурвикор тоғлар кўр ташлаб туради. Ҳар ёмғир ёққанида тоғлардаги арча ва каврақлар хиди димокка урилади.

Менинг орзуларим ҳам Вахшивор тоғларидай қўл етмас ва ниҳоятда юксак эди. Шу тотли туйғулар мени шеърятга ошно қилди. Тинмай китоблар ўқирдим.

Болалигимда қоронғу кеча осмонида маржон-маржон бўлиб ёғду сочаётган юлдузларни томоша қилишни яхши кўрардим. Ўзимча юлдузлар билан сирлашар, болалик кунларимдаги “яхши-ёмон” воқеаларни уларга айтиб дардлашар эдим.

Илк шеъримни етти ёшимда ёзганман. “Янги йил” ва “Қиш” деб номланган бу машқларимни биринчи марта опаларимга ўқиб берганман. Қишнинг узун кечаларида Ўзбек халқ эртаклари, “Алпомиш”, “Тўрўғли” дostonлари, Навоий, Фуркат, Ҳамид Олимжон, Зулфия, Миртемир, Ойдин Ҳожиева ижодининг мафтуни эдим. Кейинчалик шеърларим Ўзбекистон Халқ шоираси Ойдин Ҳожиева қўлига тушгач, янги дунёларни кашф этдим. Шу дилбар шоиранинг чин устозлик кўмаги, ижодий маслаҳатлари менга ўта қимматли бўлди.

Шеърый машқларим дастлаб “Гулхан” журналида эълон қилинди. Шу кезлардаги қувонч ва ҳаяжонларим ҳамон ёдимда... Ўшанда тенгдош дўстларимдан олти мингга яқин мактуб олганман. Ҳаёт йўлим ўн икки ёшимда равшан бўлди. Мен адабиёт ва ижодсиз яшай олмасдим.

Шунингдек, мен таълим олган 39-ўрта умумтаълим мактабидаги устозларимнинг ёрдами ҳам айтиб ўтишим керак. Биринчи ўқитувчим Каромат Холов, адабиёт ўқитувчиларим Аҳмад Ҳотамов, Нарзулла Ҳотамов, Насим Азизов, физика ўқитувчимиз Мелиқул Сиддиқов, химия ўқитувчимиз Мамалатиф Боев ва немис тили ўқитувчимиз Усмон Мелиқулов, рус тили ўқитувчимиз Муҳаммади Тўраевларнинг менга берган

билимлари, адабий суҳбат ва тарбиялари туфайли адабиётга, сўзга меҳрим ошди.

Ўша пайтдаги туманимизнинг “Олтинсой тонги” ва унга ёндош Денов шаҳридаги “Ғалаба учун” (“Чағониён”) каби газета таҳририяти ижодкорлари Зоир Мамажонов, Абдуғаффор Одинаев, Хуррам Раимов, Р.Мамадиев кабиларнинг ҳам менга, энди йўлга чиқаётган ижодкорга берган меҳри ва ижодий кўмаклари учун миннатдорман.

... Ва албатта... “Катта бўлсам Тошкентга бораман, университетда таҳсил оламан”, дея ҳар сафар ният килар эдим. “Фалончи ТошДУ (ҳозирги ЎЗМУ) да ўқийди”, десалар, уни ҳамма талабалардан бир кур баландроқ баҳолардим. Мен 8-синфдаёқ университетга кириш учун қаттиқ тайёргарликни бошлаб юбордим.

Мохир сайёҳ ва олим Руал Амундсен ҳақидаги китоб бутун ҳаётимни ўзгартириб юборди. Қатъий кун тартиби, тинимсиз китоб ўқиш ва ҳаётда, мактабда ҳам фаол бўлиш, ахлоқ-одобда бошқаларга намуна бўлиш менинг асосий муваффақиятларим эди. Кучим-куватим, ғайратим кўплиги юракда чексиз орзуларга ўт ёқарди. Ўн соатлаб мутолаа, ўқиш-ёзиш билан шуғулланардим. Тўрт-беш соат уйку кифоя эди. Руал Амундсеннинг ҳаётидаги бу шиор менинг ҳам шиоримга айланган эди: “Илм, ирода, соғлик!”

Ўзим севган, ижодини хурмат қилиб ғойибона “устоз” деб атаган қарийб барча шоир-ёзувчилар университет талабалари бўлишган. Масалан, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Ойдин Ҳожиева, Ҳалима Худойбердиева, Хуршид Даврон, Усмон Азим, Икром Отамурод, Азим Суюн, Сирожиддин Саййид кабилар. Айниқса, менга таниқли шоирлар Ойдин опа Ҳожиева

хамда Икром Отамуроднинг ижодий кўмаклари бекиёс бўлди.

Дорилфунун остонасига илк бор кадам ташлаганимда, юрагимдаги чукур-чукур зарбларнинг товуши ҳамон ёдимда. Кичик-кичик нақшли атлас кўйлақда, сочи узун, нияти қатъиятга айланган, китоб ўқиб, орзу қилиб тўймайдиган, жиддий бир қиз... Ўша мен эдим. Умр бўйи ўзим орзу қилган журналистика факультетига хужжат топширдим. Акам аэропорт яқинидаги чоғроқкина ижара уйда яшар эди. Мен абитуриентликнинг “ташвиш-қувончларини” шу ерда татиганман. Ниҳоят, кутилган кун етиб келди. Мен талабалар сафига қабул қилиндим. Бу қувончларни сўз билан таърифлаб бўладими?! Баланд-баланд бинолар ичидаги мухташам аудиторияларда ўзим севган касб сирларини ўргандим. Университетдаги тахсил йилларим эса янада жўшқин, талабаликка хос воқеаларга бой кечди. Ғайбулла Саломов, Талъат Солиҳов, Нажмиддин Комилов, Назира Абдуазизова, Қудрат Эрназаров, Сайди Умиров, Бойбўта Дўстқораев, Файзулла Мўминов, Омонулла Мадаев каби ўз соҳаси билимдонларининг маърузаларини эшитдим, тинимсиз китоблар ўқидим. Ўзимдан ҳам билимлироқ ва ўта иқтидорли тенгдошларимни кўриб уларга ҳавас қилдим. Курсимиз адабиётда, журналистикада жуда фаол, иқтидорли йигит-қизларни ўзида жамлаган эди. Биз илк бор чиройли шеър ўқиб, таъсирланса кўз-ёшини яширмайдиган устозларни кўрдик. Улар раҳматли Ғайбулла Саломов ва Тилак Жўра эди.

Навоий ҳақидаги теран ва янгича нуқтаи-назарни илк бор шу аудиторияларда эшитдик. Бизга бу илмни Нажмиддин Комилов, Талъат Солиҳов ва Афтондил

Эркинов ўргатди. “Тасаввуф” сўзининг ҳақиқий маъносини, ҳаёт лаззати илмда ва халолликда эканлигини шу дарсхоналарда топдик. Сабоқларимиз гоҳо шеърият мусобақасига ўхшар, гоҳо адабий танқид майдонига айланар эди. Устозларимиз Сайди Умиров, Бойбўта Дўстқораев, Назира Абдуазизованинг дарслари жуда кизиқарли, кўнгилга яқин эди. Уларда чинакам одамийлик ва илмий теранликнинг қоришиқлиги бизни хайратлантирарди.

Университет фойе деворида журналистика факультетини битирган барча ижодкорларнинг портретларини осиб қўйишган эди. Биз ҳар кўрганда улардек бўлишга дил-дилигимиздан жазм қилар эдик. Шу университет партасида дунёни танидик, ўзлигимизни англаб етдик. Ҳамиша касб дипломимга кўзим тушганида, кўнглим беихтиёр фаҳрга тўлади, кўзимга ёш келади. “Университет” сўзининг ўзи юракда туганмас шавқ-завқ пайдо қилади. Инсоннинг инсон бўлиб шаклланишида, жамиятда ўз ўрнини топиб олишида дорилфунун таҳсили жуда муҳим. Мен то талаба бўлмагунимча, мутолаанинг ҳақиқий кадрини англамаганман. Хаёлимда Р.Акутагава, Камю, Кортасар қахрамонлари ҳақидаги ўткир баҳслар талабаликнинг ўзига хос жўшқинлигига, ҳазил-ҳузулларига қоришиб кетгандек.

Ф.Аттор, Ж.Румий, А.Навоий, Ф.Достоевский, А.Блок, Ж. Жойс, К.Абе, А.Ахматова, М.Цветаева каби ижодкорларни қайтадан кашф этдим. Ҳатто битирув ишим Ф.Аттор ижоди ҳақида бўлди.

Мен ЎЗМУ (севикли дорилфунуним) берган тузни оклай олдимми?

1989-1994 йилларда Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетида таҳсил олдим.

Кейинги йилларда “Чакмоқ хўрсиниқлари” (1995), “Муҳаббат асри” (2004), “Мен излаган кема” (2016), “Ўн етти ёшлилар мамлакати” (2017) каби шеърӣ китобларим чоп этилди. 1999 йили “Шухрат” медалига сазовор бўлдим, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига кабул қилиндим.

2007 йили “Ўзбек матбуотида тасаввуф таълимотининг ёритилиши: муаммолари, тамойиллари ва шакллари” мавзуида номзодлик ишини ҳимоя қилиб, филология фанлари номзоди илмий даражасини олдим.

Ҳозирда Ўзбекистон телерадиокомпанияси “Mahalla” телерадиоканалининг Бадий-маърифий дастурлар бош муҳарририяти катта муҳаррири лавозимида фаолият юритаёпман.

Ўз ҳаётимга юксакроқдан назар ташлаганда, улкан коникмаслик кўраман. Ҳали шундай кутлуғ элу-юртга муносиб ҳеч қандай иш қила олмадим. Мен ҳамон йўлдаман. Болалик орзуларимнинг исмини, рангини, вазифасини шу кезлардагина яққол кўра олаяпман. Мақсадим – энди уларга эришишда. Истайманки, шу тупроққа, халқимга муносиб бир фарзанд бўла олсам.

Ҳали қанча сувлар оқади, киш кетиб, ёз келади. Ёз чекиниб, кунлар совий бошлайди. Тонглар отиб, кунлар ботади. Ҳилол тўлин ойга айланади. Бошқа кушлар учиб келиб, фасллар ўзгаради. Гунчалар очилиб, гулбарглар тўкилади. Ерга уруғ қадалиб, йиғим-терим ҳам яқунланади. Мен ҳам шу улкан мувозанатнинг бир бўлагиман. Шу боис мен ҳар куни кечагидан ҳам яхши кайфиятда уйғонаман. Умр исмли

сознинг Вақт отлиғ сипоҳига ишонаман. У мени яхшилик манзилига омон элтиши учун интиламан...

Олимлар таъкидича, танамиздаги хужайралар мустаҳкамлигининг биологик захираси 210 йилга етар экан! Биз эса бу муддатнинг, ҳатто ярмидан ҳам фойдалана олмаймиз... Ўз куч ва иқтидоримизни чуқур англамаймиз. Ваҳоланки, бизда дунёни гуллаб-яшнатиш билан бирга ўз қалбимиз буюргани каби яшаш учун ҳам қувват етарли.

Инсон шундай яшасаки, тўхтаб ортига бир қараганида, қурган иморатлари, яратган боғлари, қилган эзгу ишлари кўзга ташланса.

Айтишларича, ҳар бир кўнгилнинг куйиб турган, энг ёниқ нуқтаси бўлар экан. Донишмандлар уни “Сувайдо” деб аташар экан. Балки эртанги кунга бўлган улкан умиднинг номи шу бўлса ажаб эмас. Бу умидда бизнинг энг улуғ, энг ширин орзуларимиз мужассамдир.

Ушбу китобга кўнгил дардларини ифода қилувчи шеърларни саралаб киритдим. Баъзи бир нуқсонларимни авф этишингизни сўрайман.

Умидим шулки, кўнгил уйингиздан мен учун ҳам муносиб ўрин топилади!..

Адабиёт ихлосмандлари учун электрон манзилим ва телефон рақамимни ёзиб қолдираман: hayot\_1972@mail.ru; +99893-513-38-56.

**Гуландом Тоғаева,**  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

## ВАТАН ҲАҚИДА ШЕЪР

Бағрим берсам ерларга, қизғалдоқлар куч олар,  
Дардим айтсам елларга, дарди йўқдан ўч олар.  
Нон оқизоқ ўйнаган ариқларнинг бўйида.  
Юртим, сени куйладим, ялпизларнинг тилида.

Каркас рўмол ўраган момоларим севган юрт,  
Етти иқлим сўраган боболарим севган юрт!  
Душман келса палахмон тоши отган полвоним,  
Баланд тоғлар бошида наъра тортган тарлоним,

Тўмариснинг қалбидан чиққан чўғсан, оловсан,  
Куброларнинг кўлида қолган туғсан-яловсан,  
Барчинойлар кўксида қолган зебигардоним,  
Олмосдан тарозу оз сенга, Ўзбекистоним!

Бахтдан ранг олган шуур, нур-толасан, Ватаним,  
Жалолиддин кезган қир-шалоласан, Ватаним!  
Халким деса танлари титраб турган бу жоним,  
Юрти учун жон берган мисли Широқ чўпоним,  
Чингизларнинг кўлида узилган дур-маржоним.

Яғонасан, оламда бўлайлик хоки-пойинг,  
Сен чинор, биз жилвирдай ёнингда оққан сойинг.  
Ғанимни лол килиб ўт, қаддини дол килиб ўт,  
Қалқондирмиз ҳар нега, душманга ўку ёйинг.

Кўлингни оч дуога, шукрона айт тўй учун,  
Тиниқ осмон, тинч элга, байрам учун, куй учун,  
Юртбошим тоғдай таянч ҳар хонадон, уй учун,  
Бахтдан ранг олган шуур, нур-толасан, Ватаним,  
Боболарим кезган қир-шалоласан, Ватаним!

## ВАТАН ҲАҚИДА СУЗ

Севаман. Шу сўзда жам бўлди дунё,  
Шу сўз етишмаса кам бўлди дунё.  
Юртим, табассуминг офтобдай иссик,  
Бу офтоб олдида шам бўлди дунё!

Ўргилай ҳовучи дурларга тўла  
Куёшга ҳамсоя деҳқонларингдан.  
Тилло остонаси ойга ашула,  
Қалдирғоч ин курган айвонларингдан.

Сўрсам Алпомишдай алплар отини,  
Пирларга жиловдор боболарингдан.  
Бошига сув ўгириб ичсам арзийди,  
Жаннат ҳиди келган момоларингдан.

Оқ этакка солиб оклаган бизни,  
Кўк этакка солиб кўклаган бизни.  
Йиқилсак турғазиб, чангимиз кокиб,  
Қаймоқ кулча бериб тўклаган бизни.

Не қилай билетин Париж Румонинг,  
Дўстим “қишлоқлик” деб этма дағдаға.  
Билсанг жўяқларда нукрадай кулган,  
Ҳандалак хидига жоним садаға.

Боболарим чизган хариталар-ла  
Оврупо кемаси кезди дунёни.  
“Алжабр”нинг чақиб масалларини  
Ҳамон ўқийдилар Ибн Синони.

Қанотинг остида топсак бас кўним,  
Элим, бир кафт тупроқ ҳар нега жавоб.  
“Лазги”га сел бўлиб, ўйнасин-кулсин,  
“Шашмақом”ни тинглаб йиғлаган жаноб.

Не қилай хорижнинг чиройларини,  
Лувр, Эйфелларга нима дардим бор?  
Кўр, шаҳримнинг обод саройларини,  
Ободлик ярашган озод халқим бор.

Ким келса, ош кўйиб, дейсан “Бери кел!”,  
Табаррук остонанг бағринг каби кенг.  
Абадий омон бўл, қадди шамшод эл,  
Ватаним, кўз нурим, тенглар ичра тенг....

Севаман. Шу сўзда жам бўлди дунё,  
Шу сўз етишмаса кам бўлди дунё.  
Юртим, табассуминг офтобдай иссик,  
Бу офтоб олдида шам бўлди дунё!

13 январь, 2014 йил



Мен сизни соғинсам, соғинсам,  
соғинсам тўкилур шабнамлар.

Бир сокин шу вақтдан оғринсам,  
Ёндиргим келади шаън шамлар.


Агар бир шу дийдор, шу дийдор  
қўлида бўлсайди тоғларнинг,  
агар бир шу дийдор, шу дийдор  
йўлида бўлсайди боғларнинг –

Қушлари бўлардим тоғларга,  
Тушлари бўлардим боғларга.

Шу тиниқ нигоҳнинг кўклами  
Африко кўкида турсайди,  
бўлардим пальмасин боғлами,  
бўлардим бир ғариб, бир дайди...

Агар шу нигоҳдан айрилсам,  
айрилсам дунёни ғам босар,  
шу нигоҳ мен томон қайрилса,  
дунёни мен ёққан шам босар...

1989 йил



## СЕВГАНЛАР ЙИГЛАСИН

“Энди у йигласин мен йиглаб бўлдим”...

**Миртемир**

Қачонким, мен анинг чашмини кўрдим,  
Кўзимнинг ёшини кўриглаб бўлдим,  
Чехрангнинг гарди деб Каъбага бордим,  
Севганлар йигласин, мен йиглаб бўлдим!

Қалбим ўз рангига ранг топиб бўлди,  
Гулни фироқ ниши ох, ўпиб бўлди,  
Чехрам ойнасини дард ёпиб бўлди,  
Севганлар йигласин, мен йиглаб бўлдим!

Сендан эшитганим зор бўлмаса бас,  
Гулнинг бўйинбоғи тор бўлмаса бас,  
Лабим қонатган хор хор бўлмаса бас  
Севганлар йигласин, мен йиглаб бўлдим!

Худо менга ойдай кўнгилни берди,  
Энди беркитмоққа этак ҳам берсин!  
Худо менга Мунгдай сингилни берди, –  
Пойига сочмоққа чечак ҳам берсин!

Музтарин ҳолимга кулганлар эмас,  
Настарин исидан ўлганлар эмас,  
Менинг куйларимга куйганлар эмас,  
Севганлар йигласин, мен йиглаб бўлдим!

19.01. 1993 йил

## ДИЛ СОҒИНГАН ИНСОНЛАР

Муҳаббат – олтин-кумуш,  
Қадрин билмас ёмонлар.  
Эсласа йиғлар эмиш,  
Дил соғинган инсонлар.

Боғингда бир райхонман,  
Унутману пайхонман.  
Гул узгани кечикма,  
Куз келса мен тамомман.

Гарчи ўша ой-куёш,  
Ўша-ўша осмонлар.  
Мижгонлари эмиш ёш –  
Дил соғинган инсонлар.

Бахтсизликнинг тотидан  
Кўп одамлар омонлар.  
Ҳар куни хат битармиш,  
Дил соғинган инсонлар.

Ишқ нелигин билармиш,  
Ранги-рўйи сомонлар,  
Гулзоримга келармиш,  
Дил соғинган инсонлар...

10.01.1999 йил

Қалдирғочнинг инида – илон,  
Атиргулнинг пўстида – тикон,  
Майдондаги душманим колиб,  
Кўксим – дўстим тошига нишон.

Менинг қалбим – гўдак бир бола,  
Алдамоқни йўйдинг осонга.  
Меҳр тўла, муҳаббат тўла,  
Юрагимни олдинг нишонга.

Айри бўлди икки кўзу кош,  
Бу кун ҳатто осмон тўкар ёш.  
Кўтараман энди қандай бош,  
Дўстим, нега қўлларингда тош?!

Ажаб сирга тўла бу олам,  
Унда йиғлар баъзан бойлар ҳам,  
Асло кўрмай кўзларингда нам,  
Тошингни от, билдирмай, эркам!

Айри бўлди икки кўзу кош,  
Дўстим, нега қўлларингда тош?!

11.01.1999 йил



\* \* \*


Қалбда ёнган орзу гули сўлиб бўлди,  
Парвозга шай оққушларим толиб бўлди,  
Дарё эдим, кема тугул гард бермадинг,  
Алпомишдай бир дард бердинг, мард бермадинг!

Ҳаётимдан чиқиб борар севганларим,  
Ҳасад гулин экиб борар севганларим,  
Ҳали тирик турган чоғим лабида бол,  
Жанозамни ўқиб борар севганларим.

Ҳасрат гули тор этди-ку димоғимни,  
Билолмасман, кетмоғимни-қолмоғимни.  
Узилганда шода-шода маржонларим,  
Кутадирсиз қандай териб олмоғимни.

Сизга кулги-масхараман, жононларим,  
Давлат бор-да бўйнимдаги маржонларим.  
Дугоналар кўйнимдаги илонларим,  
Аста-аста кетиб борар ёлфонларим...

15.10.1998 йил



\* \* \*

Бизнинг даргоҳимизда  
кўзнинг ёши мисоли шаҳду  
шаккардан ҳам ширинроқдир.  
(“Қиссаси Рабғузий”дан)

Йиғласам, кўзимдан отилар дурлар,  
Кулсам, офтоб билан ўйнашар нурлар.  
Элда гап-севгимиз, элда “шивирлар”,  
Фақат – сен беҳабар, ўзинг беҳабар.

Бир азим дарёман – кемасин кутган,  
Мен – йўлман, карвонлар адашиб ўтгай.  
Ишқингда бу юрак фақат қон ютгай,  
Фақат – сен беҳабар, ўзинг беҳабар.

Насибам бўлғайми васлинг, билмасман,  
Кездим ишқ саҳросин сўнгига қадар.  
Мен ахир гулханман, гулхан – кулмасман,  
Фақат – сен беҳабар, ўзинг беҳабар...

19.10.1998 йил



Бир юлдузга шу кенг осмон етишмайди,  
 Нилуфармиз, фақат уммон етишмайди,  
 Бугун Фарход-Ширин бўлмоқ имконда бор,  
 Лекин вафо – асил макон етишмайди.

Оёк етмас чўккиларнинг қори бўлсам,  
 Эриб-эриб остонангга етар эдим.  
 Чўпонбобо дўмбирасин тори бўлсам,  
 Ўртанмаган юрагингни ўртар эдим.

Дўмбиранинг навосига ишонмагин,  
 Ҳар оғочни чалсанг ахир садо чиқар.  
 “Севдим” деган садосига ишонмагин,  
 Асил душман аввал сенга ҳамроз чиқар.

Севилмаган юрагимни олдин билсам,  
 Йўлбарсларнинг қафасига солар эдим.  
 Ўқ-ёй билан Алпомишлар етолмаган,  
 Бу жойларни бир шеър билан олар эдим.

Дўмбиранинг навосига ишонмагин,  
 “Дўстман!” деган садосига ишонмагин,  
 Уммонлар бор, қайиғи йўқ, кирғоғи йўқ,  
 Зор бўлсанг ҳам дарёсига ишонмагин.

Севикли дўст кетди ташлаб саодатин,  
 Дўстсиз қолиб яйролмадим-кулолмадим.  
 Мингта найга нола бўлди муҳаббатим,  
 Лекин қадрим бир қамишча бўлолмади...

8.08.2001 йил

Юрагимда ухлаб ётар бир қалдирғоч,  
Қалдирғочнинг орзулари саноч-саноч,  
Гунчаларни телба этган юзингни оч,  
Сени севгинг керак менга, сени севгинг!

Асло тушма ўзгаларнинг шевасига,  
Учма, жоним, юлдузларнинг ишвасига,  
Мендек Кўнгил беролмайди эвазига  
Сени севгинг керак менга, сени севгинг!

На қилайин дунёларнинг сийму зарин,  
Тупроқларни олтин этар бир назаринг.  
Битта кулгинг унуттирар ғам асарин,  
Сени севгинг керак менга, сени севгинг!

Ёмғир бўлиб поклар қалбни хаёлинг ҳам,  
Рашкинг келиб берган юзлаб саволинг ҳам,  
Суйса дейман сарвинг, юзингда холинг ҳам,  
Сени севгинг керак менга, сени севгинг!

Хамрох бўлгин умрим шому сабоҳига,  
Бир дамгина етгин энди дил оҳига,  
Давот этсам кўнглим сочинг сиёҳига  
Сени севгинг керак менга, сени севгинг!...

1.05.2000 йил



## СЕВГИ

Кўнглимизнинг тубинда шерлар йиғлар,  
Соғинчимиз хор ўлиб, орлар йиғлар.  
Юзингни бир бор кўрмоқ армон бўлди,  
Куёшини соғиниб кўрлар йиғлар.

Куш инини бевақт ёққан қор бузадир,  
Ишқ изин кўмиб аста қорлар йиғлар.  
Нигоҳингнинг қалами дор чизадир,  
Машрабини соғиниб, дорлар йиғлар.

На бўларди боғчангда бир ўсма бўлсам,  
Азал хатин урди қалам қош устина.  
Шул даврада висолингга етар бўлсам,  
Душманнимнинг байрами ҳам бош устина.

Кўнглимизнинг тубинда шерлар йиғлар...

02.02.2001 йил



## ТРИПТИХ (Усмон Носир сўзи)

Капалак эдим дўстлар, қаноти адрас-шойи,  
Манзилим – кенг келбатли лолазорнинг саройи.  
Бир ғам топдим бағрингда – мингта дардга давоий, –  
Эй дунёйи захаролуд!

Капалакни болалар тўр-ла асир этдилар,  
Лолазордан айириб, офтобда қуритдилар.  
Нурни севган бу қаро кўзни басир этдилар, –  
Эй дунёйи захаролуд!

Капалак эдим, дўстлар, қаноти адрас-шойи,  
Қақнусга либос бўлур бу қанотлар кирови,  
Эмиш – капалак кули кўр кўзларнинг давоий,  
Эй дунёйи захаролуд!...

26.02.2004 йил



Баҳорларга ишониб  
 Боғларни кезар орзу,  
 Ҳар кўкарган майсани,  
 Тонг чоғи безар инжу.

Бир хавас, бир шахд ила  
 Уялайди кушлар ҳам.  
 Нечун табассум қилмас  
 Борлиқ ранг олган одам.

Гўдак кулгуси каби  
 Ариқларда шўх сувлар.  
 Бизга армон бўлди-ку –  
 Толелари сулувлар.

Орзулари оламча  
 Қуёшга гул тутганлар.  
 Шукурларга лиммо-лим  
 Шу баҳорга етганлар...

23.04.2005 йил



Байрамлар кўчамдан ўтмай ҳам кўйган,  
 Энди дил сендан сўз кутмай ҳам кўйган,  
 Эртақда экан-ку ёрилтошлари,  
 Ҳозир тош ҳеч кимни ютмай ҳам кўйган.

Баҳорда куртакдай кетгайман яшнаб,  
 Кузда япроқ каби бўлгайман хазон.  
 Қанийди шу тошлар ютсайди мени,  
 Қадрсиз бўлмасдим балки ҳеч қачон.

Ҳозирча... Заминда борман, омонман,  
 Ким учун бахтману ёлғиз имконман.  
 Сенга ёқмаса ҳам шу мавжудлигим  
 Ўзимча кимгадир таянч – осмонман.

Осмон-чи булутсиз бўлмайди асло,  
 Кезади дарбадар унда ҳам чақин.  
 Бу чақин сени ҳам этгай мубтало  
 Менинг кўчамда ҳам байрамлар яқин...

14.09.2005 йил



## МАХТУМҚУЛИ САБОҒИ

Шаҳарларни қишлоқларга туташтирган,  
Отабекни Кумушларга учраштирган,  
Дам – сахро, дам – дарё бўлиб кўп шоштирган,  
Бу – йўллардир, ҳикматини англаб олгин!

Кечагина, дўстим, шаштим баланд эди,  
Чунки ота-онам ёш ва бардам эди,  
Хатто юлдуз менга битта қадам эди,  
Бу – йўллардир, ҳикматини англаб олгин!

Маъмур бўлма, дарёларнинг тиниғига,  
Жонингни бер юракларнинг синиғига.  
Дил берсанг бер, муҳаббатнинг буюғига,  
Бу – йўллардир, ҳикматини англаб олгин!

Мол кўплиги, дўст кўплиги бойлик эмас,  
Охиратнинг бозорида довлик бермас,  
Ўз юртингнинг иззатига етолмасанг,  
Демак, сенинг ҳурматинг ҳам жойлик эмас.

Сафардамиз, ниятимиз бизга йўлдош,  
Манзил – узоқ, кўнгил – яқин, кел, қариндош,  
Навбат келса, бунда кетар ҳар қари-ёш,  
Бу – йўллардир, ҳикматини англаб олгин!..

28.07.2005 йил

Остонангда гулу райхон экилган,  
 Балким осмонлардан юлдуз тўкилган,  
 Қўшиқ айтиб кўнглим бўшатай десам,  
 Томоғимга аччиқ йиғи тикилган.

Бу ерда дарё ҳам оқади сокин,  
 Ғамни ҳам фарёдни ютади тунлар,  
 Мен-чи армонимнинг сўкаман чокин,  
 Энди синган торим кимлар бутунлар?!

Дилдаги синган саз куйлайди ҳамон,  
 Имконда имконсиз колсак ҳам ёмон,  
 Асил муҳаббатин излаб хиромон,  
 Куш ҳам айлар кўксин тошга уриб қон.

Биз нечун чўккида куш эмасмиз, ёр,  
 Тош парин тўзғитган тўш эмасмиз, ёр,  
 Учрашар ҳатто кўз-қош ҳам пайт пойлаб,  
 Нега биз ўшал кўз-қош эмасмиз, ёр?!

Сен тонгсан, тонг каби шабнамларга дўст,  
 Мен шомман, офтобдек ботганим дуруст.  
 Нега гул баргида турган чоғингда  
 Сенга айтолмадим севгидан бир сўз?!

Қалбимни коплайди хижрон ва афсус,  
 Синган созимга жўр бўлади гуллар.  
 Дарё ҳам бу ерда сокин окар, лек,  
 Тубида гуллайди Ишқ – атиргуллар.

Остонанда гулу райхон экилган,  
Балким осмонлардан юлдуз тўкилган,  
Кўшиқ айтиб кўнглим бўшатай десам,  
Томоғимга аччиқ йиғи тиқилган...

12.09.2005 йил

### ТАБРИК

Яна ҳаётимга матлаъ матлублик,  
Яна ғазалимга мабдаъ марғублик,  
Яна дилга солиб доғи маҳбублик,  
Баҳоринг муборак, ўзимнинг элим!

Олтин Ўзбекистон, она сайёра,  
Бағрингда яшайди кадрим, ўзлим!  
Кўнглимнинг доғига малҳам бўлдинг сен,  
Баҳоринг муборак, ўзимнинг элим!

Ер, осмон, тошда ҳам тириклик саси,  
Салом, бойчечагим, нозанин гулим!  
Меҳнат кушойиши, ер баракаси,  
Наврўзинг муборак, ўзимнинг Элим!

17.03.2004 йил

\* \* \*

На набий, валийдурман мен  
Ўзимдан муждалар қилсам,  
Безар уста ишин лошим  
дунёга гаждалар қилсам,  
Магар юз журм эсам ҳам  
жамолингдан жудо қилма,  
Этар жаннат йўлин равшан  
юзингга саждалар қилсам...

5.09.2005 йил

\* \* \*

Йиллаб кузатасан узоқдан мени,  
Чапакка тайёрсан ҳаммадан олдин.  
Бахтимдан шодлансанг кутлагил келиб,  
Қайғумдан қувонсанг – Худога солдим...

15.09. 2005 йил

\* \* \*

Истайманки, ишк дардига даво топсам,  
Сўз улғаяр рухнинг савти-комати-ла.  
Эмас ажаб Навоийдан наво топсам,  
Ўйнашмагил асло шоир омади-ла...

16.09. 2005 йил

## СИНГЛИМГА

(Жарқўрғонлик синглим Нодира Соатовога)

Тан олмасам ҳамки очик давронларда,  
Синглим, сизга бўлган меҳрим осмонларда.  
Эркаланиб кетманг дея билдирмовдим,  
Дарак беринг, энди Анжон томонлардан!

“Заҳар” тиллар анжончага эшилгандир,  
Чакнокликка босиклик ҳам қўшилгандир.  
Ёки унинг акси бўлиб, тўполондан  
Қайнонангиз қулоғи ҳам тешилгандир.

Маҳзун бўлсам, менга ҳамроҳ, эша эди,  
Ташвишларга, армонларга пеша эди,  
Гарчи жанжал, тўполон ҳамиша эди,  
Дарак беринг, энди Анжон томонлардан!

Баъзан қўйиб ўзин турфа юмушларин,  
“Чақар эди” укамларнинг ҳар ишларин.  
Соғинибман араз қилиб юришларин, –  
Сўрсам бу кун – қандай унинг турмушлари?!

Сендан йўқдир менинг асло ўпка-гинам,  
Безовтаман, ўсдинг қайси чаманларда?!  
Биз ҳаётни осон девдик, сингилгинам,  
Ваҳоланки, у фарк қилар романлардан!

“Сингил” юрак толасидан бўлар экан,  
Ёки унинг ноласидан бўлар экан.  
Айрилиқни осон девдик, аслида у,  
Дил йиғлоғи, жоласидан бўлар экан.

Эсингдами, узатганинг сирень эди,  
Билсам, меҳр – сенинг юрак сиринг экан.  
Ҳар баҳорда ўшал гул ҳам йўклагайдир,  
Сиренни ҳам эгасига беринг экан!

Бугун тўла “соғинч дафтар” ҳошияси,  
Тилимда ҳам айланади “Қоши ёсин”...  
Бир кизчага “Опа” бўлиб билиб олдим,  
Ўт балосин, сув балосин, дўст балосин...

Одатим шу – колиб шубҳа-гумонларда,  
Ичиксам ҳам дил узмайман “ёмонлардан”:  
Ул қизчага “яхши опа” бўлсам дейман,  
Дарак беринг, энди Анжон томонлардан!...

25.09. 2005 йил



Кўнгил бердим бир дунёи ялмоғизга,  
 У-чи, отди аждарҳодай бир оғизга,  
 Шундан бери мен у учун бир сибизга, –  
 Эй дунёи заҳарангиз!

Кўзим ёши, хасратларим – сармоёси,  
 Бахт дафтарим – оёғида дастмоёси,  
 Кин, хиёнат – бир умрлик ҳамсоёси,  
 Эй дунёи заҳарангиз!

У – бир дарё, икки чети гувранади,  
 Тўлқинида силлиқ тошлар безанади,  
 Гирдобида кокилларим тебранади, –  
 Эй дунёи заҳарангиз!

Соҳилларда шахзодалар, маликалар,  
 Куйла, дейди айлаб мени калакалар,  
 Сизга ётдир руҳ йиғиси – таҳликалар,  
 Эй дунёи заҳарангиз!

Эй билгисиз қудрат, қайда чакмонларинг,  
 Англалмаган бахтим, қайда тахмонларинг,  
 Юрагимни кесиб-кесиб кўрсатайин –  
 Ишқ ярасин даволоммас Лукмонларинг!

Гарчи дарё ўртасида армондаман,  
 Тўлқинларга, шамолларга шармандаман,  
 Севилмасам ҳамки севги томондаман,  
 Эй дунёи заҳарангиз!...

\* \* \*

Эй, мухлисим йўқ деб рухин туширган,  
Сўзга армонини битиб яширган,  
Навоий бобо ҳам узоқ Ҳиротда  
Низомий болидан ҳалво пиширган.

Мен ҳам Низомийни кўлга оламан,  
Шу сабаб Хисравдек гоҳ сўзим ботир,  
Гоҳ Ширин мисоли хаё қиламан,  
Гоҳ содиқ дўст улар гўёки Шопур.

Баъзан Алпомишдек дўмбира – белда,  
Гоҳо Сиёвушдек от чопар елда.  
...Дил-чи севилмаган куёшдек ботар,  
Бир кун у ухлаган қалбинг уйғотар...

\* \* \*

Тамом. Сиёҳ тугаб, тин олди қалам.  
Айрилиқ ҳақида килди башорат.  
Бизни балки минг йил кутди бу олам,  
Бу дийдор аслида ғамга ишорат.

Хайр! – Шу сўз мени турибди ушлаб,  
Билдим, мен туюлдим сизга хатардай.  
Хайр! – Лол турибман лабимни жуфтлаб  
Энг сўнгги ўқлари колган аскардай!..

11.03.2006 йил

## ДАРД

*...Йўқ, у дард,  
Шундай бир дардким,  
Кўзимда кафт,  
Лабда болам исмидек таниш.*

**М.Цветаева**

Бир шоҳликнинг гадолиги бор,  
Гадоликда бор бир кун фусун.  
Этмоқчиман кўнглимни изҳор,  
Мен муҳтожман кимгадир бугун.

Бир туш кўрдим ғамли, ҳадикли,  
“Ёшлик, кетма!” дея уйғондим.  
Тоғдай оғир, чўнг бир севгининг  
Чарос кўзларига ишондим.

Мен муҳтожман кимгадир бугун,  
Кўз ёшимни аритмас олам.  
Тополмадим дунё айланиб  
Севилмаган биргина одам.

Булок суви каби туйғулар,  
Ғамгин бағрим айлади шинам.  
Атрофимда яшноқ чехралар,  
Бу бедардлар ичра йўқ ошнам.

Мен муҳтожман кимгадир бугун,  
Май берурлар, асло сўнмайман.  
Кўнглим кўкда бир ойга мафтун,  
Ердаги ойларга кўнмайман.

Мен муҳтожман кимгадир бугун,  
Севилмаган юрагим оғир.  
Такдир хатин кўтаролмасдан  
Елкаларим дол бўлиб оғир.

Эй миллион одамлар ичра  
Кўнгли асло топилмас одам.  
Ул нафосат қайғуси эрур, –  
Нафосатга ўчсан бунча ҳам.

Сўзларимни совук нигоҳ-ла  
Ўқиётган эй дунё-шотир,  
Сенга борар йўллар бунча кўп,  
Бунча узоқ ва ҳамда чағир...

Сендаги у потирлаб турган  
Ўсимлигу хайвонлар нафси.  
Мен кўлмакда юлдуз кўраман,  
Этсам дейман шукримни тавсиф.

Мен муҳтожман кимгадир бугун,  
Бу муҳтожлик ичра йўк шараф.  
Агар ғафлат айласа мафтун,  
Дийдорингга этма мушарраф.

Афсусда ҳам армонларда ҳам,  
Умрбоқий экан ишқ дарди.  
Мени шунча яшатди балким  
Бой берилган фироқнинг дарди, –

Мен муҳтожман сенга жуда ҳам...

23.04.2005 йил

Инсон қалби яшар экан,  
Соғинчларда-ёлқинларда.  
Радиони тинглагайман,  
Нега йўқсиз тўлқинларда?!

Кўзим ёши оқиб бориб  
Эритолмас юрагингиз.  
Кетса ҳамки соч оқариб,  
Келмайди хол сўрагингиз.

Мен дилнинг рашк оловини  
Ўчиргайман Сўзлар билан.  
Тополмай ишқ қаловини  
Сиз банддирсиз қизлар билан.

Бу не савдо, бу не ғавғо, –  
Жавоб қани шайдоларга.  
Билганим шу: асло кун йўқ,  
Ишқ шаҳрида гадоларга!

23.04.2005 йил




## ТУИ СУЗИ

Жаҳонда ўзбекдай танги миллат йўқ,  
Саховат қилса у осмон бўй қилар.  
Рўзғори тўқ бўлса қирғизлар қимиз,  
Қозоклар қўй қилар, ўзбек тўй қилар.

Бу шундай элатки, йигит пири бор,  
Меҳнат билан озод қусур, гуноҳдан.  
Бу қўш-қўш тўйларнинг битта сири бор,  
Қўллари ишда-ю, дили Аллоҳда!

Етса молин берар, етмаса жонин,  
Шу сабаб ҳар бир тўй файзли ва сўлим.  
Дастурхон ёзилди, қўйлар сўйилди,  
Мархабо меҳмонлар, даврага келинг!..



## ҲАЗИЛ ШЕЪР

Ота уйни қиз тарк этса ёри сари,  
Йиғлар уйнинг остонаси, эшиклари.

Ҳовлидаги гуллар сўлгин юмилади,  
Супургилар, қозон-товоқ дам олади.

Қиз тарк этса, хафа уйнинг кучуги ҳам,  
Укалари эгар бошин, кичиги ҳам.

Онаси ҳам бўзлар – бағри бўш қолади,  
Кичик қизга энди анча иш қолади.

Тоғдай ота қалби ҳам бир ларза қилар,  
Фақат бунда куда томон маза қилар...



## СЕНИНГ ШЕЪРИНГ

– Гўзал йўқми?

– Келмайдими?

Соғинч рангин сезмайдими?

Ишқ бир суврат тугалмаган

мусаввирим чизмайдими?

Кўзларингда бир қатра ёш, –

Кўй, у акси бу оламнинг.

Шабнам учар чикса қуёш,

Сен қуёши бир одамнинг.

– Қуёш йўқми?

– Чикмайдими?

Тунчироклар ундан хабар.

То оламда нур бор экан

Заррагина миқдор кадар, –

Ҳасратимда, умидимда,

Ҳужайрамда бир малол бор, –

– Гўзал йўқми?

– Келмайдими? –

Энг шоҳ бўёқ – бир савол бор.

– Гўзал йўқми? Келмайдими?

Ранг топганим сезмайдими?

Ишқ бир суврат тугалмаган, –

Мусаввирим чизмайдими?

19.06.2000 йил

Қани най бер менга, дустгинам...

А.Орипов

Кўнгил олай деб келсам атай,  
 Менга лойик бирор кўнгил йўқ.  
 Чарчоғимни қандай аритай,  
 Мен суянай десам бир гул йўқ.

Келтирингиз менга оқ гилам,  
 Ё нозик гул барги бўлса ҳам.  
 Урай унга хиёнатлардан  
 Тушиб кетган рухгинамни ман.

Кемадамиз, битта кемада,  
 Сенга маълум олган нафасим,  
 Лек сезмайсан, дўстим нимага  
 Етса ҳамки ойга овозим.

Зулматларга ўрганган кўзинг,  
 Машъалани кўрмаса нетай?  
 Мен ойга ҳам бермай овозим  
 Сенинг учун келувдим атай.

Йўловчилик шартига кўра  
 Кемадамиз, битта кемада.  
 Юлдузларни кўрмоқчи бўлсанг,  
 Балиқларнинг кўзига қара.

Келтирингиз менга оқ гилам  
 Ё нозик гул барги бўлса ҳам.  
 Урай унга хиёнатлардан  
 Тушиб кетган рухгинамни ман...

Шабнам янглиғ умрим бердим саболарга,  
 Кулги бўлдим санамларга, зеболарга.  
 Муҳаббатнинг йўлларида бир мунг топдим,  
 Бу мунгимни алишмасман раъноларга!

Худо бокса боғ бўлади сайхонларим,  
 Кўзим ёшин ичиб унар райхонларим.  
 Дудоғингда тундай қаро бир тонг топдим,  
 Бу тонгимни алишмасман наволарга!

Қўл теккизсам симлар аро тор куйгайдир,  
 Қуш инида ётган оппоқ қор куйгайдир,  
 Оғочига бошим қўйсам дор куйгайдир, –  
 Бу севгимни алишмасман дунёларга!..

10.04.2000 йил



## НЬЮТОН ҚОНУНЛАРИГА ШАРҲ


Барчамиздан қолмиш бу кўхна равок,  
Барчамизга севги улашмиш дунё.  
Бошинг узра кулган юлдузларга бок,  
Сен ҳам ўткинчисан, деб қилар даъво.

Ой сутдай оқ кеча. Боқурман Сизга,  
Боқурман сизда акс этган қалбимга.  
Агар мен ўткинчи бўлсам не сабаб,  
Дилим сизга томон бунча талпинган?!

Бошим узра кулган бу сеҳру фузун,  
Бу ёркин юлдузлар номингиз ёдлар,  
Агар мен ўткинчи бўлсам не учун  
Менга ёғилади самовий хатлар...

Бир озгина маҳзун бўлдим, азизим,  
Бир озгина севги кўрсатди кучин.  
Балки биз келганмиз само бағрига  
Энг ёруғ юлдуздек порламоқ учун!...

12.12.1999 йил



Менинг бахтсизлигим қимгадир байрам,  
Қимдир ором олар чехрамда ғамдан.  
Қулнингиз, қайғуси, мунги дўстларга  
Байрамлар келтирган мендек одамдан.

Энди гур-гур ёнмас ишким ўти ҳам.  
Ҳеч қимга йўқ энди зарра озорим.  
Йиғлаган кўзларга сурмалар бўлсин,  
Қизғалдоқлар ёнган ҳазин мазорим.

Менинг саболарда ҳеч ишим йўқдир,  
Қутмасман дил юки – ёр пайғомини.  
Энди унга менмас, байрамлари қўп  
Ёт қўллар тутади ҳаёт жомини.

Менинг бахтсизлигим унга ҳам байрам,  
Норизо бир дўстдан қарздорсиз сиз ҳам.  
Илтижом шул эрур, бир дуо айланг,  
Қаро тупроқ тўлган кўзлар учун ҳам...

24.05.1999 йил



Бизнинг кўнгиллар ҳам кўнгил эди, дўст,  
 Бокира туйғуга ортик кулмангиз.  
 Баъзан сабаб бўлиб хижрон ва афсус  
 Кўзлардан ёш чикса хайрон бўлмангиз.

Кимсасиз бир уйга ёққандек чирок –  
 Бизнинг кўнгиллар ҳам кўнгил эди, дўст.  
 Севсак, мунгингизни севибмиз кўпрок,  
 Мунг бизга абадий сингил энди, дўст.

Жигарнинг ёғидан пайдо бўлар Ишк,  
 Бизни ҳам кимлардир кўтарар бошга.  
 Лекин дил тубидан тўкиб ёш-сиришк  
 Севиб, хурмат кўрсанг бошқадир-бошқа.

Пок Ишк ўтаётган карвонлар аро,  
 Асрлар чўкаётган уммонлар аро,  
 Қайтмас бўлиб кетган инсонлар аро  
 Бизнинг кўнгиллар ҳам кўнгил эди, дўст...

1999 йил



## ТАСКИН

Ҳар бир учрашувда бир айрилиқ бор,  
Ҳар ғам – заруратдир, шодлик – зарурат.  
Бир шоир юз йилда келар дунёга,  
Буни билмаслигинг сен учун ҳасрат.

Ҳар бир учрашувда бир айрилиқ бор,  
Насибам тугаса кетгайман мен ҳам.  
Кўклардан излама ўшанда зинҳор,  
Умид шул сўрасанг, топгайсан Элдан.

Уммонлар қуриса, сингиса ерга,  
Бир куни чиқади отилиб албат.  
Сен колган умримни яшарсан балки,  
Азиз замондошим, эй моҳиталъат!

Унутма, бир гапнинг келди асноси,  
Фақатгина олтин пулга тақалур.  
Сендаги Умиднинг йўқдир баҳоси,  
Қалам – синса ҳамки Қалам аталур!

Ҳар бир учрашувда бир айрилиқ бор,  
Демак, дод сўнгида бор ним табассум.  
Қирғоғин тарк этса дарё ҳам такрор  
Кун келиб тошларда қилар тажассум.

Айрилиқ нимадир – битта бутунни  
Рухин бўлаклаши – бераҳм жоду.  
Айрилиқ нимадир – Лайли-Мажнуннинг  
Асрлар чангида қолган ижоди.

Бир лаҳза бўлса ҳам бахтнинг ҳидини  
Туйган чечакларга боқкин жимгина.  
Висол богин бир кун тарк этар баҳор, –  
Булбул кўзида ҳам бир мунг, бир гина... –  
Ахир хар вуслатда бир айрилик бор...

29.04.2001 йил



\* \* \*

Ўриклар ҳам гул очмоқда, вафосизим,  
Ул дарахтга суяниб эс-хушим қолган.  
Сен севган гул ис сочмоқда, вафосизим,  
Райҳонларнинг хидларида ишим қолган.

Умид гулим қирқди қайси гул қайчиси,  
Қайси бағри бутун унинг дил куйчиси,  
Сўзим тинглаб ханда қилар атиргуллар,  
Бу шеър сени севганларнинг суюнчиси.

Қуёш сенга толим-толим нурун сочар,  
Ул нурга тик қарамоққа борми ҳаққим?!  
Мен ҳам ундан бир уқия, зарра бўлсам,  
Қўнар эдим сочларингга келиб балким.

Менинг умрим ўтар гарчи ёдлар билан,  
Оби новвот ейсан сен-чи, итлар билан,  
Ишинг йўқдир тақдирлари мотлар билан,  
Сен ўтган ул кўчаларда ишим қолган,  
Райҳонларнинг хидларида ҳушим қолган....

20.01.2003 йил



Бир тилла қўнғизнинг ялтирагани  
Коронғу кечани ёрита билмас.  
Эй шоир, қаламни йўйма осонга  
Қалдирғоч келиши ҳали баҳормас...

Бировни ёнғиндан олиб чиқмоқ учун  
Қалбингда салкинлик бўлиши керак.  
Бедард душманларни йикмоқлик учун,  
Кўзингда муҳаббат кулиши керак.

Киприк югуриги ўтган лахзадан  
сўнг нима бўлади тақдирим, билмам.  
Замонам бахтними, тахтни ҳозирлар,  
номаълум эрур-ку ҳали таржимам.

Нима берар шоир? – Титрар дил, таним,  
Чарчаган, толиққан асримга маним?!

Коронғу кечада кўкка кўз тиккан,  
Ул ошиқ кўзларни умидсиз этма.  
Камида ишқ сеҳрин юракка эккан  
Нодира бўлмасдан дунёдан кетма!

Жонин берар шоир – титраб дил, тани,  
Чарчаган, толиққан асримга маним!..

23.04. 2005 йил

Бир куни орзуйим кулади,  
Тарқалади шубҳа-гумонлар.  
Дардли куним йиллаб кўрмаган  
Йиғилади дўсту душманлар.

Бир кун менинг уйим бўлади, –  
Қандиллари осилган кенг уй.  
Шеърим шунда суйим бўлади, –  
Қўлларингда кўрмасман ўқ-ёй.

Бир куни орзуйим кулади,  
Ёғоч отда кетарлар олиб.  
Менинг тоза муҳаббатларим.  
Тупроқ ичра кетмас йўқолиб.

Тўлиб-тошиб бораёпман секин,  
Дунё – денгиз, сиғмас мавжларим.  
Оёғимдан чалса ҳам секин  
Чалолмайди куйим, авжларим.

Бир куни орзуйим кулади,  
Хавзи кавсар сувларидан сун!  
Билмам, ким дардгўйим бўлади,  
Эй Аллоҳим, қўлла ўша кун!..

08.05. 2005 йил

Муҳаббат на бўлғай энди,  
муҳаббат қайга кетмишдир,  
Қадаҳда май эди бахтим,  
уни нафс ити ичмишдир.  
На бўлғай, ўрганди кўнглим  
Фузулийдан каролиғни,  
Бу ишқ шатранжида мени  
қайси бахти бор ютмишдир?!

На тақдир, на ёзукдур бу,  
на ўтмиш ва кечмишдир,  
Менинг сокин баҳоримни  
шамоллар қайга сочмишдир.  
Умидим шул эрур жоним  
ипини энди оҳ ечмишдур,  
Шу Элда яна бир Қайским  
Қаъбада Ишқдан сўз очмишдир!..

### ШОБЕРДИ БАХШИГА

Олтин ўлкам суйиб-сийлар,  
Бахшиларни-ўланларни.  
Алпомишлар туш кўради  
Ойбарчиндай келинларни.

Оппоқ тонгда жўр бўлайлик,  
Дўмбиралар садосига.  
Алпомиш ҳам қолган экан,  
Ёр сочининг савдосига!..

2000 йил

Сен яшашга лойиксан кенг бахру уммонларда,  
 Мен эса ғарқ бўлмишман шубхаю гумонларда,  
 Гар азал котиблари ёшим сиёх этсалар,  
 Ул китоб жой бўлурди етти қат осмонларда.

Сен гарчи гина айлаб юргайсан омонларда,  
 Мен эса адашмишман қор, ёмғир, тумонларда.  
 Қувончим шаробига нечун захар қўшмишлар,  
 – Даъвойингиз не эди? – Сўрсам бир ёмонлардан.

Бу кўнгил шарҳини ким Навоийдан ўтказди,  
 Дилсизлар қўлидамиз бурунги замонлардан.  
 Навоийнинг арзини тинглаган эй сипехр,  
 Сўйлагин Ёрдан ғофил, булбулсиз чаманлардан.

Биз Фаҳоду Шириннинг отларининг гардимиз,  
 Ишксизлик бир меросдир Хусраву Ҳомонлардан.  
 Сен яшашга лойиксан кенг бахру уммонларда,  
 Қачон бўлғаймиз бир мавж ул уммон томонларда.

Мен ҳижрон тирноғида яраланган қуш эдим,  
 Ул қушни овладилар ўқ отиб қамонлардан.  
 Бу жон қулфини қулфлаб, дарёга ташлаган сен,  
 Ғаввосдан дўст топмадим мен ҳамон-ҳамонларда.

Ул уммоннинг қаърида жоним дурга айланса,  
 Юзинг кўрсат аямай лутфингни меҳмонлардан!..

08.03.2003 йил

Минг йил яшаймиз дея,  
 Гарчи ҳозир кўнгил тўқ, –  
 Йўловчимиз ҳаётда, –  
 Вақт турининг фарқи йўқ.

Баъзан ўзни хуш ёкиб  
 Чинорларга менгзаймиз.  
 Умрни ҳаводаги  
 Сўзлар билан безаймиз.

Қисмат шу: бир лаҳзага  
 Боғлаб кўйган бизларни.  
 Кун келиб ип узилса  
 Қайдан топай сизларни.

Ўйламагил, мени ҳам  
 “Эрта топгайман такрор”,  
 Йўқ, кўзлар ўртасида  
 Бир киприк қоқиши бор.

Шу сабаб дил изҳори  
 Йўловчига фарз экан.  
 Ширин сўз малҳам-дори,  
 Севишмоқ ҳам фарз экан.

Давлатидан кимдир маст,  
 Фарзандидан кимдир маст, –  
 Буларни лек ҳеч кимса,  
 Йўловчидан сўрамас.

Харомнинг азоби бор,  
Халолнинг-чи, сўроғи.  
Умр – бу Ҳақ юзига  
Дунё парда тортмоғи.

Ҳасад, гийбат пайтимас,  
Фурсат кам, бўлгил чақин!  
Асл хамроҳ айнимас,  
Йўл узок, манзил яқин!

Майли, мени васлингга  
Гадо этиб кет, эй дўст,  
Лекин йўлнинг ҳаққини  
Адо этиб кет, эй дўст!...

28.08.2005 йил



*Биламиз: келажак ҳисоби тайин,  
Оқланар ҳар лаҳза, оқланар дамлар,  
Ва лекин дунёда йўқдир биздайин,  
Мағрур, изтиробли, хоксор одамлар.*

**А.Ахматова**

Сен қўл силтаб кулганларинг Севги эди,  
Фаромушсан ўз холингнинг мантиғидан.  
Бошларимни тошга уриб ёрсам дедим,  
Тошлар синди пешонамнинг қаттиғидан.

Икки дилни боғлагувчи сезги эди, –  
Бугун сенсиз издивождан йиғлагайман.  
Сен қўл силтаб кулганларинг – Севги эди,  
Бир руҳоний эҳтиёждан йиғлагайман.

Бугун йўқдир даргоҳимда сўз ҳам оҳинг,  
Йўқ армоним ўлчамоққа саржинларим.  
Севилганман, дея эсла, кўнгил шоҳим,  
Таранг юзда кулганида ажинларинг.

Ажратади бу умрни обу гилга,  
Бир севгининг хуморию таровати.  
Бу афсона татир энди миллион йилга,  
Куёш кетса, етар унинг ҳарорати...

Сен қўл силтаб кулганларинг Севги эди...

28.08.2005 йил

## БОҒ УРТАСИДАГИ ДАРАХТГА

(У.Азим йўлида)

Сен адашсанг йўлларингни ўнгловчи йўқ,  
Дардинг айтсанг, менга ўхшаб тингловчи йўқ,  
Ел синдирган шохларингни уловчи йўқ,  
– Синган дарахт, боғларимни тарк этма ҳеч!

Бошқа ёш-ёш ниҳолларга ҳад берасан,  
“Ҳаёт” деган нафосатдан тот берасан,  
Боғбон ўтса, билинтирмай қад керасан,  
– Синган дарахт, боғларимни тарк этма ҳеч!

Боғда йўқдир сендан зиёд кўримлиси,  
Қарашлиси, ярашлиси, пўримлиси,  
Ҳар мактовлар арзийдиган, ўринлиси,  
– Эй дарахтжон, боғларимни тарк этма ҳеч!

Хўл новдангдан куч-шира ҳам оқиб ётар,  
Пўстлоғингдан ҳаёт нури оқиб ётар,  
Биз билмаган тилда оят ўқиб ётар,  
– Эй дарахтжон, боғларимни тарк этма ҳеч!

Бу жойлардан ҳеч кетмасин файз-тароват,  
Суянч дарахт сояси ҳам бир саодат,  
Ғафлатлардан асрагувчи о маҳобат,  
– Эй дарахтжон, боғларимни тарк этма ҳеч!

Кечагина хўл новдангни ерга эқдим,  
Соғинчимни, армонимни унга тикдим,  
Кўчамда ҳам байрам бўлса деб энтиқдим,  
– Эй дарахтжон, боғларимни тарк этма ҳеч!

Хиёнатлар кўрганимда дил кишимдан,  
Умидимда, бардошимда, хар ишимда,  
Бир давлатсан йўқотмишим-топмишимда,  
– Эй дарахтжон, боғларимни тарк этма ҳеч!

Рангинг учса ҳамки қуймай табассуминг,  
Сахроларга кўрғон бўлар битта даминг.  
Бўлолмасман гарчи сенинг дил малхаминг,  
– Синган дарахт, боғларимни тарк этма ҳеч,  
Яшамокка, курашмоқка куч бўлгил, куч!..

15.09.2005 йил



## ҚАЛАМГА

Қалам, нега жимсан, нега безовта,  
Маълул қиёфангга тушунмадим мен.  
Шу кичик жуссангга оғирми келди, —  
Қалбимнинг ўти-ю замона юки.

Гомер йиғисига қўшилиб баъзан,  
Шарқу Ғарб кезасан билмай масофа.  
Барча баҳсларда ғолиб чиқасан,  
Чунки дониш кетар, қолар фалсафа.

Кийик терисига битилган тарих,  
Ё Занжирсаройда қолган кевасан.  
Сен ўз соҳибига бўлган муаррих, —  
Қурбон бўлганларни севасан.

Балки хилхонангда энг гўзал битик —  
Халқларга битилган эркнинг қоғози.  
Сокин қитирлашинг кетади босиб,  
Тинч элларни бузган террор овозин.

Сенсиз кўтарилмас ғалаба туғи,  
Жаллод қўлидаги ойболталар ҳам.  
Истасанг оламнинг халқлари бутун  
Битга табассуминг ила мустаҳкам.

Биламан, жигаринг тахбатаҳ кондир,  
Мўмин Мирзоларнинг ўлими учун.  
Баъзан хавотиринг ёлғиз имкондир, —  
Олмоқ бўласан сен мазлумлар ўчин.


Темур боғларининг тарҳини чизган  
Меъморнинг поёнсиз хаёли бўлдинг.  
Шу нозик қад ила узун кечалар  
Қодирий, Ойбекнинг қўлида кулдинг.

Шодмидинг, илҳомга тўлиқмидинг, айт, –  
Навоий сўз билан берганда сайқал.  
Мен ҳам далаларда шўр тўпроқ кечган  
Ўзбегимга Сўз-ла қўйсам бир хайқал.

Қаламим, бурчакда ётма энди жим, –  
Чунки юрагимга Элим кўз солган!  
Сўйла, мен кимларнинг боласи эдим, –  
Улар Қалам билан дунёни олган!

Соат аниқлиги, фикрат кенглиги,  
Бахтнинг сибизғаси уйқунгни бузсин.  
Қаламим учида турган авлодим,  
Кимсан, жамолингни айла тажассум!..

18.04.2005 йил



## ШОИР УЙКУСИ

Бир нафас каламни олдириб тин у,  
Туш кўрди, санамлар шайдо килдилар.  
Бир лахза тўхтади шиддат ва орзу, —  
Зоғлар булбулликни даъво килдилар.  
У-чи сергак, тийрак олмоқда нафас,  
Киприкларидан ҳам оқар туйғуси.  
Даъво килишар-у, наво килишмас, —  
Арслон уйкусидир шоир уйкуси...

18.04.2005 йил

\* \* \*

Йўқ, кўрққаним ёлғизлик эмас,  
Армонимни эплайман ўзим.  
Мен давримга шиддат берсам бас, —  
Алпомишни уйғотсин кўзим.

Мен ўқ каби уча олсам бас,  
Дунё бўла билса бас камон.  
Йўқ, кўрққаним ёлғизлик эмас, —  
Муҳаббатсизлардан кўрқаман!

23.04.2005 йил

Дўстлик бор.

Дўстлар йўқ.

**Асқад Мухтор**

Биз иккимиз энди асло кўришмаймиз,  
 Гар кўришсак, кейин айро юришмаймиз.  
 Йиллар ўтиб, сўнгра билдим сабабини,  
 Айрилиқнинг сочларини ўришмаймиз.

Кўшиқ – бизнинг севгимизнинг куйинчаги,  
 Рубоб – уни эркалаган ҳалинчаги,  
 Баҳор келса, баҳор келса кўришгаймиз, –  
 У ҳам қутлар – остонада гул-чечаги.

Эсингдами, деразангда ўрик эди,  
 Оқ гуллари кўзга яқин, йирик эди.  
 Дарсларида сенга унсиз хат ёзардим, –  
 Файбулла ва Тилак домла тирик эди...

Ўша ўрик яна гуллар-опноқойим, –  
 У гулларга ярашган бир нур бўлойин.  
 Мен-ку сенга ҳатто таниш, дўст бўлмадим, –  
 Ул ўрикнинг новдасига пўст бўлойин!

Биз иккимиз энди асло кўришмаймиз,  
 Гар кўришсак, кейин ҳеч ҳам уришмаймиз.  
 Йиллар ўтиб, энди билдим сабабини –  
 Айрилиқда ғалабага эришмаймиз!..

18.05.2005 йил

Ишқ ила дилхаста бўлди  
 кўкда не-не сирожлар,  
 Тоғу тош кезгай эмиш  
 гул юзига мухтожлар.  
 Биз-чи, ишқ корини билмай  
 бериб юзинг закотини,  
 Умримиз шаҳрини буткул  
 айладик-ку торожлар.  
 Сенга ғам-лаъл, дея берди  
 синаб азал бардошимни,  
 Баланд бошимни ҳам эгди  
 пешонамдаги ул тожлар.  
 Ой юзли нозанин девдинг,  
 нозанинларда шафқат йўк,  
 Умр ҳам адо бўлди, лек  
 адо бўлмас хирожлар.  
 Ишқ ила дилхаста бўлди  
 кўкда не-не сирожлар,  
 Тоғу тош кезгай Фарход  
 бўлса Ширинга мухтожлар.  
 Биз-ку шахд ипини боғлаб,  
 хавотирмиз масаллардан, –  
 Бу йўлда хийла кўп, жиммиз,  
 сўрса гар шер ила дуррожлар...

18.05.2005 йил

Йўлакларда қадам товуши, –  
Биламанки, сеники эмас.  
Мен яшашга кеч қолдим, аммо,  
Ўлиш учун кечикмасам бас.

Юрагингда қандай кин-нафрат,  
Ё адоват, ё ҳасрат, билмам,  
Бизга нима бўлган ўзи, айт,  
Кўзимизни қоплаган туман.

Етти рақам. Шунинг ўзи бас,  
Овозингни эшитмоқ учун.  
Менда қандай гинанг бор, йиллаб  
Олаяпсан кимларнинг ўчин?!

Бошида ҳам лойқа оққан сой,  
Сўнгида ҳам тинимас экан.  
Гулдек асло очмайди чирой, –  
Боғбон кўлин қонатган тикан.

Етти рақам. Шунинг ўзи бас, –  
Овозингни эшитмоқ учун.  
Ул овознинг рутбаларида  
Мен учун ҳам бир сўз бормикан?!

19.05.2005 йил

## СУЗ ҲАҚИДА СУЗ

Сўз кашф этар Берунию Синоларни,  
Кум ичидан териб олар саноларни,  
Изтиробдан пишар асли маънолари, –  
Асил меҳнат соҳибини ўлдирмайди.

У – бир кўза, ҳалол ният унинг лойи,  
Кулол лов-лов олов ёқар хўп киройи,  
Сўз дард билан пишар экан, азбаройи, –  
Асил соҳиб идишини синдирмайди.

Баъзи суҳан темирчига иш бўлади,  
Сандонида мағиз бойлаб пеш бўлади,  
У дилларда гулхан ёқиб, эш бўлади, –  
Ахир кўк ҳам чакмоғини билдирмайди.

Иброҳимни олиб чиққан оловлардан,  
Юнусни-чи балиқ қорни – ўтовлардан,  
Сен айтсанг айт Румиёна тиловлардан, –  
Эгасини ёқмаган сўз ёндирмайди.

Сўзнинг кучи аждарларни ухлатади,  
Сўзнинг кучи ҳатто мардни қулатади,  
Қайснинг отин Мажнун қўйиб йиғлатади,  
– Сўз шуҳрати курук дилни тўлдирмайди.

Ҳар суҳаннинг элга ёқар соати бор,  
Олтин қалам ушлаганнинг сиҳати бор,  
Ёмби сўзни топган қалбнинг роҳати бор,  
– Бундай юрак сочган учқун тиндирмайди, –  
Эгасини ёқмаган сўз ёндирмайди!..

15.09.2005 йил

## УҒЛОНЛАР

### Марҳум “Пахтакор”чилар хотирасига

Замину зарротни бор этиб Раббим,  
Унга кажрафторни ёр этиб Раббим,  
Сизни эл тоқига кўйгани шулдир,  
Шаҳиди само деб суйгани шулдир.

О, кўкнинг саҳнида сарбон ўғлонлар,  
Ватанга бахшида, армон ўғлонлар.

Сиз бир шода дурдай узилган кунлар,  
Дилга ёккан қорлар хали учкунлар.  
Қалдирғочлар симда тизилган кунлар,  
Во ҳасрат, қолмади бағри бутунлар.

Пойингиз ҳам йўқдир гул кўяй десам,  
Оламини фиғонга бир бўяй десам,  
Бир кучок гул каби очилганларим  
Бир кучок кул каби сочилганларим.

Ўзбекнинг шарафи бўлган ўғлонлар,  
Шонга тўрт тарафи тўлган ўғлонлар.

Сонсиз хотиралар тирнайди бағрим,  
Эски жароҳатга муҳаббат даво.  
Қалдирғочлар эса қуш тили билан,  
Кунда 17 бор ўқийди дуо.

О, кўкнинг саҳнида сарбон ўғлонлар,  
Ватанга бахшида, армон ўғлонлар!..

1999 йил

Юзинг кўриб, дилда бир ўт туташди,  
 Бу ўтни одамлар “Ишк” деб аташди,  
 Кўнгил турналари йўлдан адашди,  
 Лабинг оташидан бир ўт-армоним,  
 Сен, фақат сендурсан, нозик томоним!

Рақиблар мисоли ҳашам билмадим,  
 Улардек ёлғондан ўктам кулмадим.  
 Мард эдим, номардга қарам бўлмадим,  
 Шу бўлди сиррим ҳам, яхши-ёмоним,  
 Сен, фақат сендурсан, нозик томоним!

Қайданам тонг чоғи ғунча юз очди,  
 Булбул кўзларида қолди суврати.  
 Бераҳм экансан, нурингни сочдинг,  
 Қайга кетаяпсан, кўнглим кувратиб.  
 Кўзим устида бўл хар дам жононим, —  
 Сен, фақат сендурсан, нозик томоним!

Сенга муҳаббатим ойдек тўлишди,  
 Дўстлар ой ёнида юлдуз бўлишди,  
 Душманлар бечора дилга кулишди,  
 Ёлворам, ағёрга тутма домоним,  
 Сен, фақат сендурсан, нозик томоним!

Лабингдан бу жоним титрар шам янглиғ,  
 Келгин, ой дур сочган оқшом янглиғ,  
 Дам йўқдир сен билан ўтган дам янглиғ,  
 Биргина сўзим шу, қоши камоним, —  
 Сенсизман, сендурсан нозик томоним!..

27.04.2000 йил

## АРМОНИМ

Муҳаббатим, гўзал армоним,  
Қайлардасан, бағри фиғоним?  
Асирингман бир умр сенга,  
Асрларни енгган тўфоним.

Дарёлардан ўтдим гирёна,  
Изларингга бўлдим парвона,  
Куйлайдирман мен ёна-ёна,  
Бахт қасрига бўлгин меҳмона.

Орзуларим мисоли райҳон  
Умид гулим этмагин пайҳон,  
Бўлди сенга бу жон дастурхон  
Муҳаббатим, гўзал армоним.

Қуш инини ёққан қор бузар,  
Ошиқ дилни соғинч-зор эзар,  
Вафо қилгин нодир султоним,  
Муҳаббатим, гўзал армоним...

13.01.2005 йил



## ЭРТАК

### ёки Севишганлар шахри

Севишганлар шахридамиз биз,  
Бу шаҳарда эмасмиз ёлғиз,  
Тайёр тургин йигит-баҳодир, –  
Бунда бордир Қоработир.

Бу дарёлар бунчалар сокин,  
Бу осмонда булут бунча жим.  
Бизни эса енгмоққа кодир  
Бирлашмасак агар, Қоработир.

Бу ҳикматга тўла тупроқда  
Қизғалдоқлар қонаб ётибди,  
Қанча Тоҳир-Зухра фироқда,  
Армон сочин силаб ётибди.

Агар менга ишонч бермаса,  
Муҳаббатни нима қиламан,  
Жасоратга беланмаса қалб  
Ўз-ўзимга аччиқ куламан.

Бу эртакнинг охири надир,  
Бу йўлларнинг охири қайда?  
Бу ҳикматнинг мағзини чак, ҳей,  
Бой бойга боқар, сув – сойга.

Севишганлар шахридамиз биз,  
Бу шаҳарда эмасмиз ёлғиз,  
Тайёр тургин йигит-баҳодир,  
Бунда бордир Қоработир...

2005 йил

## ТАТАББУЪ

“Кўзларингни севаман, дединг,  
Йўқ, жонгинам, бу сўзингдан қайт!  
Ҳали сенга ҳеч тик бокмаган  
Кўзларимни қайдан кўрдинг, айт!”<sup>1</sup>

Бу кўзларга ҳикмат ярашгай,  
Ўйчан мижгон беҳад ярашгай,  
Дил тубида қолган бир сўз бор,  
Бу сўзларга суҳбат ярашгай.

Эсимдадир ўша он, хиссиз,  
Кетдинг айлаб юрагим вайрон.  
Ҳаётимсан девдинг, ҳаётсиз,  
Қандай яшаяпсан паришон?

Ўтди йиллар, ўша ҳаяжон  
Бу кўзлардан оқди дарёдек.  
Севганини хор қилса ҳар ким,  
Бўлсин менсиз қолган дунёдек.

Кўзларимда жо бўлган олам,  
Шошқин йиллар, қайт, ортингга қайт!  
Осмонларда турган бўлсанг ҳам,  
Яна бир бор севаман деб айт!

“Кўзларингни севаман, дединг,  
Йўқ жонгинам, бу сўзингдан қайт!  
Ҳали сенга ҳеч тик бокмаган  
Кўзларимни қайдан кўрдинг, айт?!”

---

<sup>1</sup> Г.Мирзаевдан

Бир юлдузман, ой ёнида юрмаган,  
 Ошиқдирман, кўнгил иши унмаган,  
 Асли гулу бойчечагин кўрмаган,  
 Баҳордирман, йўлин кузга бермаган.

Тушларимдай узун экан бу йўллар,  
 Бу йўлларни чигал қилган шу, диллар,  
 Муҳаббат деб шовуллаган, тинмаган,  
 Дарахтдирман, синганига кўнмаган.

Ўйланг, майли мени: “Кибру ҳаволи!”,  
 Мен ишқ ахлин сири, асрий саволи.  
 Шаҳар бериб Ҳофиз ёрга етмаган, –  
 Қўшиқдирман, соз синса ҳам сўнмаган.

Умид кушим отди “дўсти ҳабиблар”,  
 Унга малҳам тополмади табиблар,  
 Шу малҳамнинг армонида йиғлаган,  
 Бир шоирман, шеърларига сиғмаган.

Бугун далли, дарё бўлди хикматим,  
 Балки бу шеър менинг сўнги суҳбатим,  
 Дунё ўзи бир ажиб тор томошагоҳ экан,  
 Унда кўринар баъзан гуллар мисоли тикан, –

– Муҳаббат деб шовуллаган, тинмаган,  
 Дарахтдирман синганига кўнмаган!...

01.04.2005 йил

Сен эй юлдуз нигохли,  
 Ёлгизликка хуморсан.  
 Лекин гизли-ю охли,  
 Умидимда сен борсан.

Дил ичра уйлар курдим,  
 Унга бир тахт йўнарсан.  
 Гоҳ хазин, гоҳ аламли,  
 Умидимда сен борсан.

Форсчаси “ишқ, мухаббат”,  
 Лотинчада “амор”сан,  
 Берсанг ҳам бахт ё хасрат, –  
 Умидимда сен борсан.

Балки ўткинчи хис деб,  
 Севгимдан кўз юмарсан.  
 Сен илдизи юракка,  
 Бориб етган чинорсан.

Бу шаҳарда мен каби,  
 Бой йўк – қалбим ўмарсанг.  
 Энг бахтсиз кунимда ҳам,  
 Умидимда сен борсан!

10.04.2005 йил

## ҲАЁТДАГИ КАМЛАРИМ

Бирма-бир тарк этмоқда,  
Кўнглимнинг одамлари.  
Кундан кунга ортмоқда  
Ҳаётдаги камларим.

Ақл, сабр, куч, ишонч –  
Шу тўрт устун – умидим.  
Ярашиғинг йўқ эй дил,  
Юрак, севгин дебмидим?!

Асрлар шамолида  
Қолиб кетмас дамларим.  
Ҳали бўлади унут,  
Ҳаётдаги камларим.

Ўзи саҳро бўлганлар  
Кимга майса туголар.  
Ҳушёрликни на билсин  
Бахтлари уйкудалар.

Кўп аламли эмасдир  
Армонлар билан ўтсанг.  
Энг ачинарлиси шу –  
Курашишни унутсанг.

Гарчи, санасалар йўқ  
Фалони ракамларим.  
Кимларгадир юткизик –  
Ҳаётдаги камларим.

Умр-тун, ёқай унда  
Туғагунча шамларим.  
Ағёр, қолмасин сизга,  
Айтмаган саломларим.

Ҳали кам, ҳали ярим,  
Сиз қутган ул дамларим!  
Бахт тезлигин оширар,  
Ҳаётдаги камларим!..

10.04.2005 йил



Тун ипидан узилган тонгда бир орзуим бор,  
 Ҳожиларни бу йил ҳам Раббим, чорладинг такрор,  
 Лекин мен гумроҳ банда оби равон бўлмадим,  
 Яхшилар борган жойда ўн кун меҳмон бўлмадим.

Истайманки, ҳожилар босган бир из бўлайин,  
 Кўзларидан оққан ул жола-юлдуз бўлайин,  
 Ё уларнинг эҳромин енги бўлсам майлиди,  
 Саждаларда ярашган менги бўлсам майлиди.

Шайтонларга отилган ул тош бўлсам қанийди,  
 Зам-зам суви солинган баркаш бўлсам қанийди,  
 Ҳожилар кезган қумда унут бўлсам майлиди,  
 Офтоблардан асраган булут бўлсам майлиди.

Қурбонлик қўйларининг юнги бўлсам қанийди,  
 “Лаббайка”даги жаранг, бонги бўлсам қанийди...

Тун ипидан узилган тонгда бир орзуим бор,  
 Орзуимни шамоллар сенга элтсинлар сахар.  
 Маккадаги шамолни эсдирган сўз бўлсайдим,  
 Сенинг розилигингни топган бир кўз бўлсайдим...

14 январь—11 апрель, 2005 йил

Дилкаш давраларнинг ярашиғисан,  
Кулсанг кулгинг каби шарқирок сой йўк,  
Йўлларда гул тутган ошиғинг қанча,  
Фақат ҳаётингда мен учун жой йўк.

Кошки эшигингда бир занжир бўлсам,  
Ўтган-қайтганинда кўнсам қўлингга  
Кошки бир сўз бўлсам тансиқ ва сўлим,  
Титрардим япроқдай олсанг тилинга.

Осмондай муҳаббат билан келсам ҳам,  
Заминдай залворли бўлса ҳам туйғум,  
Не қилай, сен кутган ул ёр эмасман,  
Кўнглингнинг дардини ололмас севгим!

Ҳар куни совғалар улашасан сен,  
Ҳатто йўлингдаги болачаларга,  
Мен эса рашк билан қараб қоламан,  
Улар кўлидаги кулчачаларга.

Умидим, армоним, толейи бекам,  
Бахтим осмонида бир сен – ҳумой йўк.  
Ёнингда солланиб юраин десам,  
Сенинг ҳаётингда мен учун жой йўк.

Йиғлаган кўзлар ҳам қораймас энди,  
Ҳижрон бойлик бўлса, мендаин бой йўк.  
Йўлинг тўлиб-тошган севганларингда,  
Фақат ҳаётингда мен учун жой йўк...

16.11.2002 йил

Эй юрак, манзилинг, рукнинг қай уйда,  
 Душман тўкнашганда топайин қайдан?  
 Нега тарк этасан, кетасан баъзан,  
 Руҳимнинг мақоми ўрнашган жойдан.

Сурайё ёнида турмаса мохинг,  
 Юсуф камчисини ёкмаса охинг<sup>1</sup>  
 Бу элнинг дардига дармон бўлмасанг,  
 Худо хам бўлмайди сенинг панохинг.

Тонгни оқартириб ёзган хар сўзинг,  
 Юсуф кўйлагидек очмаса кўзни<sup>2</sup>,  
 Кашф этмаса алпни ё бир Ҳофизни,  
 Эй шоир юраги, юрак эмассан.

---

<sup>1</sup> “Юсуф ва Зулайхо”да айтилишича, Зулайхо бир ох тортганида Юсуфнинг камчиси ишки кучлилигидан ёниб кетган экан.

<sup>2</sup> Яна ўша асарда айтиладики, ўғли Юсуфнинг кўйлагини кўзига суртганида отаси Яъқуб пағамбарнинг кўр кўзлари очилиб кетган экан.


Бугун мен курук қўлман дунёнинг хирмонида,  
 На буғдойида борман ва на бир сомонида.  
 Арзим шул, қай бир ошиқ ёрига зор-интизор,  
 Бошин уриб йиғласа лош бўлай сомонида.

Бугун мен курук қўлман дунёнинг хирмонида,  
 Лекин мўл, ларзон-ларзон шоирлик армонидан,  
 Умр ҳам аста-аста кетмоқда имконидан,  
 Дунё ҳам қолгай бир кун ошиқлар ёмонидан.

Бир хат учирсам ногоҳ ахволим баён айлаб,  
 Дедилар: “Сен бир дурсан – айрилиқлар конидан.  
 Сени тақсалар ҳар ким бир ипга тизиб-бойлаб,  
 Бахтсизлик келтиурсан, айиурсан жонидан”...

Бугун мен курук қўлман дунёнинг хирмонидан,  
 Шояд кутулсам осон азал тегирмонидан.  
 Кумуш қишга еткизинг, баҳорларга йўл берсин,  
 Севилмаган бир турна учмоқда осмонидан!..

18.04.2005 йил



## ИИГИТ ШЕЪРИ ЁКИ ОВУЛ ТАНГОСИ

### *Халқ йўлида*

Кўрса кўзлари куйгудек,  
Сўрса сўзлари суйгудек,  
Жамолингни томошо  
Этса юлдузлар тўйгудек.

“Осмон баланд, ер қаттиқ”, –  
Ўйлаб ётдим майсада.

Гулсанамнинг кўлидан-ей  
Ош еганга маза-да!

Гулсанам кели тортади,  
Менинг ҳавасим ортади.

Илиг ошига ўчоқда  
Янгаси олов туртади.

Капқирлари қаққирлар,  
Қозонлари қаққирлар.

Гулсанам кулса узокдан  
Садаф тишлари ялтилар.

Кўзларимни оғритди,  
Овулингнинг тутуни,  
Ҳамсоянга айтгин-ей,  
Боғлаб қўйсин итини.

Овулингнинг йўлида  
Янтоқ бўлсам қанийди.  
Сувга чиккан янгангмас,  
Ўзинг бўлсанг қанийди.

Отажонинг овга кетди,  
Акажонинг довга кетди,  
Янгангни кечирмайман,  
Изимни пойлаб ўтди.

Кўрса кўзлари куйгудек,  
Сўрса сўзлари суйгудек,  
Гулсанамни томошо  
Этса юлдузлар тўйгудек.



Қайсидир кўнгилни йиғлатади май,  
 Қайсидир булбулни хор қилар чаман.  
 Қаноти кесилган бир куш бўлсам ҳам  
 Сенинг хузуригга учаман.

Тоғ-довон ошаман судралиб беҳуш,  
 Нозик оёғимга кирса ҳам тикан.  
 Ўзга ошиқларни кўрсанг ҳамки туш,  
 Сенинг хузуригга учаман.

Ташнадан кочади ариқларда сув,  
 Сўқирдан куёш ҳам нурини аяр.  
 Сенинг хузуригга чопганим сайин  
 Ўртада масофа фақат кенгаяр.

Ҳар тонг ғунчасини кўз-кўз қилар боғ,  
 У-ла топишай деб ўзим йўқолдим.  
 Айбим – кучоғингдан изладим ардоғ,  
 Сен менга кераксан нондан ҳам олдин!

Мен – ёлғиз, мен – ношуд, укпардай вужуд,  
 Забардаст тоғларга урилсам экан!  
 Шунда ҳам заррага айланиб қолиб,  
 Ғунча япроғингни кучаман.

Қизнинг кўлларини кутган ялпиздек,  
 Инжа дийдорингга зорман, ташнаман.  
 Лаблардан узилган энг тансиқ сўздек –  
 Сенинг хузуригга учаман...

01.07.2006 йил

## СИЛСИЛА

Менинг имконимда “Вақт” сўзи нима, –  
Сафо тоғларида Одам фироғи.  
Ҳаво йиғлаганда очилган гуллар,  
Сенинг хуснингга ўч бу қадим йиллар.

Қиличлар чангидан сарғайган ўтлар,  
Жўжи қалпоғида қолиб кетган вақт,  
Мақбаралар узра серажин тутлар –  
Излар бари ўзин бўлса ҳам карахт.

Дунё ўзлигини кутади тонгдай,  
Отлар дупуридан ҳайрон қабрлар.  
Македон қўлига кирган тикондай,  
Ҳикмат ахтармишдир бунда ҳар нелар.

Тўлкинлар қирғоқда ёзади тарих,  
Оқчарлоқ патида ўйнайди нурлар.  
Кавраклар хидига чўмилар борлик,  
Пастда, хув узоқда дўнглар, ўнгурлар.

Қумларда сингийди бургут сояси,  
Товланар боболар сув ичган булок.  
Биламан, йилларга сиз ҳамсоясиз,  
Борликда мавжудсиз мендан ҳам кўпроқ.

Коинот юзига сепар лаҳзани,  
Ерни туртиб чиқар қайдадир данак.  
Мисли чаманларни этади орзу,  
Гулнинг мевалари тўкилган йўлак.

Гил – кумга, кум – тошга, харсанг – чўқкига, –  
Ҳар не айланади моҳиятига.  
Исмсиз дард каби дилда силкиган  
Ҳеч ким тушунмас ўз хосиятига.

Мисоли сир каби туғилар инсон,  
Ва буюк сир бўлиб кетар беармон.  
Энг узун дақиқа, сониялар жам –  
Ғалабага бир дам етмайди ҳамон!..

Вақт кетар аразлаб, биздан юксалиб,  
Йўқ, умас, ўзимиз шайланаяпмиз.  
Ё дoston, ё эртак, ё унутилиб,  
Азизим, тарихга айланаяпмиз!..

2006 йил



## ИЗҲОҲ

Бир дарёнинг сувин ичиб бўлдик Эл,  
Парча этдан битди томир-суягим.  
Эй шоирим, бу кунларни ашъор қил,  
“Юртим”, дея кўтарилди иягим.

Қизғалдоқдек даласинда ўсмасам,  
Келармиди жўшқин-жўшқин куйлагим.  
Алпомишу Барчинларни эсласам,  
“Сурхон” десам, ҳапқирайди юрагим.

Ҳақиқий бахт шу саройдек чўлларда,  
Бахмал-бахмал адирларда кўшк экан.  
Момоларим излари бор йўлларда  
Қишлоқ чанги атир экан, мушк экан.

Аҳмад фермер мактаб қуради Сурхонда,  
Мамат дўхтир “Қаро кўз”ни тинглайди.  
Тоштемиру Зоирлари омонда, –  
Марднинг ишин Худо ўзи ўнглайди!

Бир чигитга йиллаб кўзи қадалган,  
Бир бошоқдан ризқ кўпайтган деҳқоним!  
Иброҳиму Қурбон ота аталган,  
Эргашбеклар тузди зафар кўрғонинг!

Вахшиворда юлдузларга қўл чўзсам,  
Бойсун тоғи елкасини тутади.  
Арзир қанча юртга меҳр кўргизсам, –  
Аждодлардан авлодларга ўтади.

Эркин, Усмон, Саййидлари омон юрт,  
Алп-ботирлар кўр ташлаган Сурхоним!  
Оллоёрлар севиб назар солгон юрт,  
Сен-ла тўкис буюк Ўзбекистоним!

Қизғалдоқдек даласинда ўсмасам,  
Келармиди жўшқин-жўшқин куйлагим.  
Алпомишу Барчинларни эсласам,  
“Сурхон” десам , хапқирайди юрагим!..

16.06.2006 йил



## ЧУЛПОН

(Салафларга эргашиб)

Шоир бўлиб бўлмас асло дунёда,  
Хиёнат қилмаса агар дўстларинг.  
Тобут кўтармасанг пою пиёда,  
Ташлаб кетганида яқин-ўзларинг.

Ҳасад қилмаслар ёзган шеърингга,  
Газетни тўлдириб қилмаса ғийбат,  
Душмани кам одам кичик одамдир,  
О, шунда холингдан қиламан ҳасрат.

Ботқоққа тушса ҳам қуёшнинг нури,  
У қуёшлигича қолаверади.  
Шоирнинг қисмати ёритмоқ фақат  
Ҳар ким ўзича нур олаверади.

Шоир бўлиб бўлмас асло дунёда,  
Қон ҳидин туймасанг сут билан кўшиб.  
Юксакдан яхшироқ кўринар экан,  
Бир-бирига ўхшаб – тобут ва бешик.

Чалмай тур сурунгни бир пас, Исрофил,  
Улгурай, элимга чин фарзанд бўлай.  
Чўккини кўрмасдан кетмасин ғофил,  
Ҳасадгўй дўстларим бунда чакирай.

Сирот кўпригига ўхшар шеърият,  
Унда сўзлаб бўлмас ёлғондан сира.  
Мана, тахайюлнинг шаробига бок, –  
Кел, уни ичайлик қолиб бокира.

Ғунча астаридан настарин бир бўй,  
Оёкяланг чопган ўтлоқдан бир куй,  
Ва – Виждон: Ватанин севган хар шоир  
Қолдирмоғи керак ўзидан кейин.

Ҳар сўзинг ибодат бўлмаса агар,  
Ҳар кунинг элингга бир эм бўлмаса.  
Тимсолда, мисолда, ҳар бир ташбеҳда,  
Айтган хар сўзингга сен тенг бўлмасанг,  
Шоир бўлиб бўлмас асло дунёда...

05.06.2000 йил



Мен етиб келганда асрим пойига,  
Ҳикмат ахтарарди сўздан дайрлар.  
Дафна баргларини такмоқ ўйида  
Навбатда турарди кўпи шоирлар.

Барча сараланган гул сари интик,  
Барчага интиқдир бир парча тупроқ.  
Унда сўниб борар минг йиллик битик –  
Оёқлар тагида қолган қизғалдоқ.

Кутдим. Кутавердим, етмади навбат, –  
Ҳамма олар гарчи насибасини.  
Мен оёқ пойида қолган гул учун  
Бағишладим умрим саҳифасини!



## ОНА ҲАҚИДА СУЗ

Мен онамни алиштирдим шаҳарларга,  
Кўлларига сув қуймадим сахарларда.  
Шоир бўлгин кизим, дея жўнатовди,  
Лек шеърларим қолиб кетди дафтарларда.

Мен онамни алиштирдим шаҳарларга,  
Умрим бердим вафоси йўқ гўзалларга.  
У-чи борлиқ, ёшлигини менга берди,  
Энди бир тиш тополмайди гавҳарларга.

Мен онамни алиштирдим шаҳарларга,  
Бир бойчечак келтирмадим баҳорларда.  
Мен қиз бўлиб кўйлагини бир ювмадим,  
Лек колдирдим уни ҳижрон-заҳарларда.

Мен онамни алиштирдим шаҳарларга,  
Бир куюк нон изин қувдим наҳорларда.  
Бир кўрайин дея мени йўқлаганда  
Дедим: “Вакт йўқ, кутинг бошқа сафарларда!”

Бугун уни тўшакларда кўриб қонман,  
Мен қиз эмас, ўзин чакқан бир илонман,  
Оёқларим шамолига зор бўлганда  
Шухрат кетин қувиб юрган бир ёмонман.

Бу савлатлар кимга керак, бу давлатлар,  
Ул ҳашамнинг бордир бир кун ҳасратлари.  
Дўстлар, бу ер қандай кўтаради,  
Онасини зор қилганда фарзандлари.

Фарзанд хиди жаннатларга қоришиқдир,  
Она хиди билан йўллар ёришиқдир.  
Онажоним, мен асли бир ношуд бола,  
Сенинг меҳринг ҳеч тугамас бир кўшиқдир!

Ул кўшиқни алиштирдим шаҳарларга,  
Дуо қилгин, она, мени сахарларда.  
Оёғингга оёқ бўлай, кўлингга кўл,  
Ахир сени тополмасман гавҳарларга!

22.07. 2005 йил



Хорижда бир музей бор:

Кўнғироқлар музейи.

(Газетадан)

Бу музей саҳнида асрга ёндош,  
Минг йилга қариндош жаранглар бордир.  
Ана, Арастуни кўрган наводош,  
Бири Геркулесга яраган кордир.

Бу жажжи навосоз Бухорий учун  
Олис карвонларда ҳамроҳи бўлган.  
Буни Алпомишлар таққан отига,  
Ё Барчин сочида дур бўлиб кулган.

Бугун-чи, у қадим йиллардан хабар,  
Ботирлар гувоҳи осуд-уйкуда,  
Қизик, Эрта Қалбни нима уйғотар,  
Шоир кўнғироғи занглаган уйда, –

– Биз қайси дилларда чалдик кўнғирок,  
Ватан севгисини ёқолдик кимда?!  
Карвон кўп, ризқ бўлак, лекин йўл йироқ,  
Сарбон бўлолдими Сўзинг – гап шунда.

Шу сабаб шоирлик мартаба на бахт,  
Аслида у ҳикмат – давосиз заҳмат.  
Демагил – шоирлик – зер, забар, нунда,  
Шоирлик – Зарурат! Ҳамма гап шунда.

Йиқилса, бировни қолингиз суяб,  
Ҳар дил йўлларини ололсин ўнглаб.  
То нур-ла, меҳр-ла қўяйлик бўяб,  
Қалбда кўнғироқлар қолмасин занглаб...

## ОҚ ЕЛКАН

*Оқариб кўринар бир елкан.*

**М.Лермонтов**

Кишандан узилган тафаккур мисол  
Кетарсан уммонда эй, ёлғиз елкан.  
Ёмғир – пўртаналар айласа ишғол  
Тутолсайдим сенга шу нозик елкам.

Манзилинг кўп узок, мақсадинг олис,  
Дардинг муҳаббатга, ёшликка оид.  
Истайсан: тоғ, ўрмон, тонг бўлсинлар холис,  
Буколмас сени давр, мухит, ҳатто шароит.

Оппоқ ленталаринг сарғайтирди вақт,  
Улкан балиқлар ғам суздилар четда.  
Чунки руҳ мақоминг англагани пайт  
Йўл берар душман ҳам сенга, албатта.

Шу боис уммонлар бағрида бешик  
Мисоли ўзингни эркин сезасан.  
Бир даҳо идрокка очасан эшик, –  
Биламан, бир куни ундан ўзасан, –  
Эй, нотинч уммонда оқарган елкан!..

23.04.2005 йил

## УСТОЗ НАЖМИДДИН КОМИЛ ЎГИТЛАРИ

Умр гўё бир карвон мисол –  
Саҳар чоғи бир чодир тикди.  
Кеч бўлганда йўлга энтикди,  
На бир овоз, на бир из, на кул,  
У ошёндан қолмади буткул.

Умр гўё бир карвон мисол –  
Уни ҳатто ушлолмас ҳаёл.

Бу дунё – бир қовунпоядир,  
Жўяк тортиб, қилиб ҳафсала,  
Уруғ экиб, айтиб фалсафа,  
Не ниятда бўлсанг, ул қовун  
Шу хислатда берар маза, ранг.

Дунё ҳам бир дала мисоли,  
Охиратда бўлар ҳосили.

Савол берма, Саъдий қани, деб,  
Апулейни, ёдлаб Катуллини,  
Шеърлар ёзиб, бериб ўзга зеб,  
Ғафлат чекмай, ўқи Бедилни, –

Биз Саҳарда нега улгурдик,  
Нималарни қилолдик шомда?!  
Ўлчанишдир олдин ўлчайлик,  
Очилайлик зикр-ошёнда.

Йиғла, кўзим, то биз омонда,  
Ўйла, не бор ҳали имконда?!

23.04.2005 йил

## “ЛАИЛИ ВА МАЖНУН” ДОСТОНИГА ШАРХ

Фикримда бир йиғи бор, –  
Уни кайга тўкай мен?  
Ғам, сенга чўкмам, чўксам,  
Бир кемадек чўкай мен!

Юрагимда бир ўт бор, –  
Тушмас коғозга буткул,  
Чунки борган жойини  
Айлайди ёндириб кул.

Юрагимда бир ўт бор, –  
Ўчиролмас суву сел, –  
Ҳижоздаги хей одам,  
Гулханларда исин, кел!

Каъбага кетар йўлнинг  
Бир эшигидир – бу дил.  
Кулфидур – меҳр шафкат,  
Калит: “Аллоҳдан кўрқил!”

Бу курранинг ўқини  
Мойлаб кўяйин дерман.  
Сен бердинг ишқ чўғини, –  
Эплаб суяйин, дерман!

Охири йўқ – ишқдир бу,  
Поёнсиз хижрондир бу.  
Имконсиз қолган ошиқ  
Ёзган дostonдир бу.

Бу дунёда кўмир кўп, –  
Ҳаммаси қалам эмас.  
Бу дунёда ошиқ кўп, –  
Ҳаммаси одам эмас.

Фикримда бир йиғи бор,  
Уни Қайга тўкай мен?!

23.04.2005 йил



## А АЛЛОҲ РОЗИ БЎЛСИН МУҲАББАТИМДАН!

Ирмоқлар кўшилса, дарё бўлади,  
Кўнгиллар кўшилса кимё бўлади,  
Бир кун менсиз ажиб дунё бўлади,  
Аллоҳ рози бўлсин муҳаббатимдан!

Куйгулигимми, бу суйгулигимми,  
Ёки бу дунёдан тўйгулигимми,  
Мен айтиб қолайин дегулигимми,  
Аллоҳ рози бўлсин муҳаббатимдан!

Сен шундай гўзалсан, соҳир гўзалсан,  
Хатто саломингга арзимади дил.  
Бир нафасда ёзган шеърү ғазалсан,  
Бу шеър шоиридан айрилди, ачин!

Кимгадир сирлию кимгадир ошкор,  
Умримни тарк этиб бормоқда баҳор,  
Мен сендан давлатмас, сўровдим дийдор,  
Аллоҳ рози бўлсин муҳаббатимдан!

Юлдуз йиғлагани ойга боради,  
Тоғ-тош йиғлагани сойга боради,  
Менинг йиғлаганим қайга боради,  
Аллоҳ рози бўлсин муҳаббатимдан!

06.04.2000 йил

## СЕНИНГ АЛЬБОМИНГГА

(Туркум)

### I

Сени умид билан яхши кўраман,  
Сени деб тўкилган кўз ёш ҳам ширин.  
Шу боис кўчангда маъюс тураман,  
Сен гўзал сиримсан очик-яширин.

Шу етти рақамни тераман тинмай,  
Мен бахтсиз ҳеч сенга эмасман лойик.  
Ҳатто бир “алло”га арзимаيمانу,  
Фақат сенинг ҳақда орзум чиройлик.

Қишларга бермаган баҳоримсан сен,  
Кўчангда тош бўлай, босмасдан ўтма.  
Умримнинг энг ширин саҳарисан сен,  
Илтимос, юрагим тўридан кетма!

### II

Ошиқлик заҳматини  
Тоғлар кўтаролмаслар.  
У Мажнунга муносиб,  
Соғлар кўтаролмаслар.

Мен ҳам бечора ошиқ  
Кўзларимда ёш бугун.  
Тилимда сўнмас қўшиқ, –  
Борми қалбингда ўрним?!

### III

Не-не ошиқ саркашларинг  
Беролмаслар баҳойингни.  
Шеър-ғазалда этиб таъриф  
тутатолмас чиройингни.

Битта холинг ҳақда ёзсам  
етмас менинг умримда кун.  
Шу хол ҳаққи бир бор келиб  
айла юрагимни бутун.

### IV

Сочдан товонигача  
Қора кошдан кўз қадар,  
Севаман маҳшаргача  
Дунё кезиб дарбадар.

Ҳар боқиши бир Лайли,  
Ҳар нигоҳи бир Ширин.  
Сочининг савдосинда  
Минг Қайс охи яширин.

### V

Севаман. Шу сўзда жам бўлди дунё,  
Шу сўз етишмаса кам бўлди дунё.  
Ширин табассуминг офтобдай иссиқ,  
Бу офтоб олдида шам бўлди дунё!

## VI

Орзуйим – бошим кўйсам ул гўзал домонига,  
Не алам, ёндим доим мен анинг хижронида.  
Қолса ҳам кўнгил ахли абадий армонида  
Эй юрак, бўлгил фақат шу дўстнинг фармонида.

## VII

Мен муҳаббат шамъидин масту беморман,  
Дўст кўзларининг шавқига зорман.  
Ишқ соҳиблари шарху масал этдилар –  
Эй дўст, тоқай мен сизга озорман!..

## VIII

Ҳеч қалбни сенчалик истамаганман,  
Ҳеч кимга сенчалик очмаганман дил.  
Ишқ дардин мардларга чиқарган экан,  
Соғинчдан юрагим кул бўлди буткул.

Ол, кузнинг серҳашам неъматларини,  
Қишнинг пок қорлари, нози ҳам сенга.  
Офтобни интизор-интизор кутган  
Қор гулидек кўнсам иссиқ эгнингга.

Самаркандними ё Урганч берайин,  
Юлдуз тўла сават, ол ганж берайин.  
Сенга ошиқ шоху пиёдалари  
Дунёи ажибдек шатранж берайин.

Фақат айт, кўксингни эзган сир нима,  
Дилинг тилмоқдасан ким учун шеърда.  
Ҳеч кимса севолмас сени менчалик,  
Айт, бундай ишк йўқдир энди ҳеч ерда.

Сўзласанг, сўзингдай асал топилмас,  
Кўнглингдай сирга кон масал топилмас.  
Ишқингда беморлар сафини кўргин,  
Соғинчдан мен каби касал топилмас.

## IX

Шу ғанимат дунёда,  
Нечун ғам, бунча кўз ёш?  
Нечун минг-минг изтироб,  
Бунча эгилган бу бош?

Беш миллиард одам ичра  
Менга бир дийдор даво.  
Гўё минглаб дардларга  
Биттагинадир шифо.

Дўстлар бир қош камоннинг  
Ёйи бўлмай ғамгинман.  
Васлига лойиқ бўлмай,  
Ҳижронига маҳкумман.

Дўстман, тан олинмаган,  
Ошиқман, киши билмас.  
Бир кун васли бўлмаса  
Ошиқ дунёга келмас.

Шу ғанимат дунёда  
Тугаяпман бир шамдай.  
Дунём мунаввар айлаб  
Келгил сўлим оқшомдай...

## X

Ҳар кимнинг кимдадир насибаси бор,  
Биров биров учун кафтда кулган бахт.  
Ким бирга туриб ҳам висолига зор,  
Кимдир қай кимсага ҳижрондир факат...

## XI

Қўл узатсам етмас юлдузсан,  
Зулмат ичра шамга урилдим.  
Ишқ атридан топдим улим,  
Исминг айтиб қайта тирилдим.

Мавжларингда қолайин майли,  
Анбар балиқ қошига чўкиб.  
Ўшанда ҳам кетгайман охир  
Камалакдан бир дарахт экиб...

## XII

Тонгдан оқшомгача хаёлимдасан,  
Топган ҳар жавобу саволимдасан,  
Бир гулман пойингда очиладиган,  
Масалман, қўлингда ечиладиган.

Шу рухсор ўтидан лол бўлиб қолдим,  
Ҳар тола сочингга кул бўлиб қолдим.  
Севиб Қайс Мажнунга айланган экан,  
Мен ҳам ишқ ўтида шул бўлиб қолдим!..

### XIII

Умидим, умримга ярашган,  
Умидим, кунларим мазмуни.  
Кўзлари бахти ила сўрашган,  
Энг ширин дамларим афсуни.

Умидим, умримга ярашган,  
Орзуйим, яширин армоним.  
Бўйлари офтоб-ла бўйлашган,  
Кулгиси дардимга дармоним.

Умидим, кўзлари суюнчим,  
Кўрсат, киприкларинг кўрайин.  
Кўзим устида бўл ҳар доим,  
Кел, киприк ўрнида кўрайин,  
Эй дўстим, умримнинг чиройи...

### XIV

Севги ширин агар ошиқ ёр васлига етар бўлса,  
Маҳбубинг ҳам ишқ шаробин кўлларингга тутар бўлса.  
Манзил яқин йўллар бирдир, умр юки оғринтирмас,  
Севикли дўст ёнгинангда елкасини тутар бўлса!

## XV

Кўпдан кутдим кузатсам зора,  
Лабларингнинг ҳаракатини.  
Тангрим сенга лутф этиб берган  
Сукут сўзлар баракотини.

Фироқ ичра кўпдан интиқман  
Дилда ёнар исмсиз бир ўт.  
Кўнгил фақат сенга интизор,  
Юрак айтар сен учун дуруд.

Муҳаббатнинг минг бир куйи бор,  
Бор қайғумни ичга яширдим,  
Ҳар зарраму хужайрамгача  
Борлиғимни куйга топширдим...

## XVI

Дардландим, табибга борайин дедим,  
Бир гўзал юзига эди дил хумор.  
Бир доно ҳолимга куйди-ю кулди: –  
“Эй нодон, табибинг ўзи ҳам бемор”...

## XVII

Кўл етмасим, юлдузим,  
Мен умримни муносиб  
Кўрсам ҳамки ёримас  
Кечам ҳамда кундузим.

Кўзларингдек кўз қайда,  
сўзларингдек сўз қайда,  
Келгил шароб ичамиз,  
Ишқдек катта саройда.

### XVIII

Бир гўзалнинг юзига минг эҳтиёжим бор,  
Ишқ устурлобида рашкдан ривожим бор.  
На билсин ғофилу бедил соғинчдан нолалар қилсам,  
Сочининг атрига нолон сенингдек бир меърожим бор.

### XIX

Очилиб-сочилиб юргин боғларда,  
Ишқинг юрагимда ғолиб чоғларда,  
Бунча чиройлисан, ширин, ўқтамсан,  
Яйраб юрай десам, менга сен камсан...

2007 йил

### **Хўжайли. Нозлимхон сулув мақбарасида (XII аср)**

Кимнинг муҳаббати ким учун мактаб,  
Кимнинг ишқ тақдири кимгадир китоб.  
Бу тилсиз деворлар, ажиб нақшлар  
Ошиқлар оҳидан айлайди хитоб...

1999 йил

## УҚУВ ЗАЛИДАГИ ТАЛАБА УКАМГА

Ўткир нигоҳингда бир масал сездим,  
Ёзиб-ўчирасан қоғозга тинмай.  
Ўқув залидаги ўйчан укажон,  
Ўқи ва илм ол асло чекинмай.

“Ё пир ё муриддан битади хожат”,  
Чиндан орзу килсанг кучасан жаҳон.  
Бугунча илм ол, ҳикматлар ярат,  
Менинг сўзларимга ишон, укажон.

Бу кун тўқсон ёшда дорилфунуним,  
Улуғ ёшга етди маърифат шоҳи.  
Бу кун оқ қоғозни бўяр жунуним  
Ва андак Навоий бобонинг охи.

Янги логорифм ёхуд ечимлар,  
Борлиқ уйғунлиги шунда намоён.  
Ҳар сирнинг калити табаррукликда,  
Ҳар дона гиштида бордир эзгу шон.

Бу кун шамолдан ҳам сенинг забтинг тез,  
Бу кун ғайрат сенга маноқиб, исм.  
Фақат унутмагин бу остонада  
Аввал устозларга айлагил таъзим!

Чунки ҳар чинорнинг илдизи бордир,  
Ҳар чакмоқ, ёмғирнинг моҳияти бор.  
Шу макон, борлиқда ўзни танидик,  
Шу илм ўчоғин хосияти бор.

Саъди Сирожиддин, Обид Содиков,  
Қори Ниёзийлар оккан бу дарё.  
Дорилфунунимиз қошида балким  
Йиғилганди закий, дониш бир дунё.

Бу кун шу дунёнинг фароғатини  
Кўриб турар экан жон Ўзбекистон,  
Толибларнинг олган зарофатини  
Тан олиб турибди еттинчи осмон.

“Ё пир ё муриддан битади ҳожат”,  
Чиндан орзу қилсанг, кучасан жаҳон.  
Бугунча илм ол, ҳикматлар ярат,  
Менинг сўзларимга ишон, укажон!..

2008 йил



## УЧ СУЗУ БИТТА ТАСОДИФ

Эй сен талъат, ой камарга этдим қанча таайюнлар,  
Гардун, осмон, фазо бўлди жамолингдан тахайюрлар,  
Асрларнинг тугунит деб кездим неча Сурайёни,  
Қайтди ночор ортига ул қанча мурғ, куш ва тайрлар.

Тегирмон, чарх, куви ичра гардага айланди бу бағрим,  
Обу гил заҳмати узра тузилмиш асли дайрлар.  
Ошиқлик бўркини еч, деб қўярлар бошима ханжар,  
Заҳар, тарёку оғуни тутар шарбат деб ғайирлар.

Суруд, куй, нағмадек тарқалди элда яширин бу дардим,  
Ишким сотган камишларга тиладим пок хайрлар.  
Умидингни йўкотма ҳеч, пойида майса бўлсанг ҳам,  
Сарв, сановбар, арғувонийни ҳар ерда хўб суюрлар.

Низом, дастур, мақомингни ўзингдан бошқадан сўрма,  
Кўз юмиб кўзгу бўлдим мен дилни айлабон сайрлар.  
Мизроб, нохун, тирнокбин-ла чиқар торингдан садоким,  
Ҳар куйган ошиқ юракка даво деб кўз ёш қўюрлар...

2008 йил



Шиддат-ла куртаклар бир ўрик,  
 Мисли ўк-яралар кўксингни.  
 Ахир кечагина йўкотдинг,  
 Бахорга муносиб дўстингни.

Куртаклар санчилар оловдек,  
 Гурурни қамчилар хотира.  
 Ниш урган ҳар ширин нигоҳдан  
 Ювилар ҳар қанча кудурат.

Оч тусли, қизғишу, ним сарғиш, –  
 Ҳидлайман ҳикматлар гулшанин.  
 Жасорат қилмоққа чўзилган  
 Қутлайман шу митти кўлчани, –  
 Ғунчани!...

23.03. 2009 йил



## УЧРАШУВ

### I

Қирлар кездим. Ана, таниш ўнгурларим,  
Улоқ бокиб юрар эдим бир пайтлари.  
Яширишиб боғлар ютуқ-кусурларим,  
Солланади ёшлигимнинг дарахтлари.

Эсимдадир, камон ўйнаб ёйлар тортдим,  
Шахд-ла ерга кадалди-ку бир дона ўқ.  
Ўшал ўқдан ўсди битта дарахтгинам,  
Бугун ундан ўтадиган баланд тол йўқ.

Ҳикмат шуки, бу тупроқда шарофат кўп,  
Ўқлар отсанг кўклаб кетар булут бўйи.  
Бужур тошга қулоқ тутиб йиғлаяпман,  
Ахир унда шовуллайди ёшлик куйи.

Мен чимлардан уй қурганда бузилган ин,  
Эсимдадир уни сувга белаганим.  
Келдим бу кун ўшал дамлар уйсиз қолган  
Чумолилар учун узр сўрагани.

Тилмоч эдим ариқларга, ялпизларга,  
Чучмоманинг кўзларини кўрар эдим.  
Ёмғир ёғса, у тоғларда овчи отган  
Кийикнинг кўз ёши эди, билар эдим.

Лолаларнинг косасида ухлаб ётган  
Шуълаларнинг ортларидан қувар эдим,  
Сувга кетган онасини кутиб ётган  
Хонқизини кафтларимга юмар эдим...

## II

Орзулардан бугун ёруғ пешонам,  
Балки кимдир менга эрур хавасманд.  
Дардим айтсам дилдан эшитгувчим йўк,  
Мунис суҳбатдошим йўк эрур факат.

Уйим-жойим дейди дугоналарим,  
Янги зирак олса айлашар ҳайрат.  
Уни кўз-кўз этиб чарчамайдилар,  
Факат дийдор учун вақт йўқдир, ғалат.

Шу боис бойчечак тергани келди,  
Ўзини қирлардан излаган одам.  
Қанийди гуллардек сочилган дилни  
Инсонлар олдида этолсайдим жам.

Хайр, шовқинларга беланган шаҳар,  
Салом қаттиқлашган дилнинг элаги.  
Соғинган куйимга жўр овоз бўлган  
Кетма ҳеч баҳорим, суйган эртагим.....

23.03.2008 йил



Шудринг кулар тонгда гул баргда  
Ёхуд гулни кулдиради тонг.  
Ва ё тонгга табассум берган  
Шудринг – гулни уйготган жаранг.

Аста сийпар гул юзин офтоб,  
Ё куёшда балкир гул бутун.  
Капалакдек айласам шитоб,  
Куйдирса хам офтоб қанотим...

06.03.2009 йил



## МУХЛИСГА

Кўрдим, ёзганимни жавонинг узра,  
Сўзга эхтироминг ёндирди тамом.  
Китоб катларида унут ул гулдай,  
Бўй таратсин шеърим ўкиган ҳамон.

Ўқувчим, тийнати такдирга хужжат,  
Энг иссиқ сўзларга мушток, мубтало.  
Шеърда этолдимми мен сени иззат,  
Ё сўзбозлик ила айладим диққат?!

Шеър – бу ишоратдир, шеър – бу башорат,  
У ушалтирмоқдир дил орзусини.  
Икки палла ичра шеър ва кўзни қўй,  
Ўлча, шоир, кўзлар тарозусини!

Ўқувчим, юз нафар, хатто бир нафар,  
Бўлсанг ҳам йўлингда жоним садаға.  
“Нега ёзмаяпсиз, шоирам” дея,  
Айласанг ҳам майли бир оз дағдаға.

Ҳар қайда: учратсанг тўйда, тўйчикда,  
Тошиқанд, Бухорода ё Сайрам кўрсанг.  
Биринчи муҳаббат соғинчи каби  
Истайман, мен сенга бир байрам бўлсам.

Дўстни ҳам, ағёрни гар хуррам кўрсанг,  
Умрингда, ишингда бирон кам кўрсанг,  
Истайман, ўшал кез хонадонингда,  
Унутулиб, етишган бир байрам бўлсам.

Е таскин ё тамкин ё калб махрами,  
Не деб атасанг ҳам мени майлига.  
Хар барги тасбеҳу хар ҳарфи шамшир –  
Кел, Вақт дарахтининг ҳислар сайлига!...

04.03.2009 йил



## ОЧИҚ САВОЛ

*Кимё фани ўқитувчим  
Мамалатиф Боевга*

Кимё дарси. Ҳатто пашша учмайди,  
Доно тасаввур-чи кетади учиб.  
Кимё тарозусиз тўнин бичмайди,  
Барча масалани бўлади ечиб.

– Нега ўрик данак гоҳида ширин,  
Гоҳ эса заҳардан бўлур талх, аччиқ?  
– Ўнинчи синфда қайта сўрагин,  
Ҳозирча бу савол қолади очик...

Мактабни тугатдик, шаҳарга кетдик.  
Жавобсиз саволга тўлди бу бағрим.  
Ёмонни яхши деб баридан тутдим,  
Қаҳрим бўлиб чиқди баъзида фаҳрим.

Камон ўқидай тез унутдим гоҳи,  
Дуч келсам ҳам ҳаёт зарбаларига.  
Дўст отган тошдан лол, ғурра бошимни  
Бериб қўйдим ёшлик ғалваларига.

Баъзан қалб зорини очик тинглайман,  
Кўйнинг оғзидаги кўм-кўк майсани.  
Ажиб равойишу, ғалат тақсимот –  
Қурбон бўлмоқ учун “Е, – дегай – мани!”...

Сув деб тутқизгани ичим ёндирар,  
Олов деб билганим бўлар тиниқ сув.  
Баъзан париларга менгзаб кўяман,  
Ёсуман кампирлар этсалар ғулу.

Терак учидаги хилолдек жимман,  
Арик бўйидаги ялпиздек маъсум.  
Ажиб гирех ичра содда ечимман, –  
Факат овозимни эшитмас ҳеч ким.

Шу йил Вахшиворга борсам сўрайман,  
Устоз, борми қалбга мос оҳанг, жананг.  
Дания саройида яшамасам ҳам,  
Ҳамлет масаласи менда кўндаланг...

30.09.2009



## ОНАМНИНГ ТЕНГДОШЛАРИ, ДУГОНА-ЎРТОҒЛАРИ

Онамнинг тенгдошлари, дугона-ўртоғлари,  
Бир майизни тенг бўлиб еган уруш вақтлари,  
Кўчмак ўйин ўйнашиб ошган дўстлик шахдлари,  
Балки мулки ҳаётда шудир эзгу аҳдлари...

Дараларда отларнинг ўт сочар туёқлари,  
Ёлларида ҳилпирар пинҳон ишқ азоблари,  
Ой нурида ялтирар қизларнинг чалғилари,  
Санамлар баҳсими ё парилар чолғулари. ...

Мени кўрса яшнайти кўнглининг гул боғлари,  
Норхолойнинг қизи деб кулади қароғлари.  
Бир-бирига гал бермай тугамас ардоғлари,  
Онамнинг тенгдошлари, дугона-ўртоғлари.

Сочларимга жамалак тақасизми қайтадан,  
Пиёлага ўсмани эзасизми қайтадан,  
Очилмаган бахтимни ташвиш билан сўроғлаб,  
Келинлигим тарҳини тузасизми қайтадан.

Сангил хола, бу менман, эшигингиз очингиз,  
Узил хола, кўрсангиз ёришади ичингиз,  
Мен онамга тутмаган бойчечакни келтирдим,  
Турсун хола, бир ҳаял ишингиздан кечингиз.

Зигзак ёқа кўйлақда мунчоклари шилдирар,  
Каркас рўмол бошида, давраларни тўлдирар,  
Баҳор келса Гул ҳиди – ОНА хидин билдирар,  
Юзда ҳам Инсон ўлса, онасизлик ўлдирар!

Сафингиз ҳам камаяр, йилдан йилга, ўйласам,  
Қани энди бойчечак терганимда куймасам,  
Армон бўлиб қолади армонимни айтмасам –  
Онамга дап чалдириб, “сурхонча”га ўйнасам!...

Мени кўрса яшнайти кўнглининг гул боғлари,  
Норхолойнинг кизи деб кулади қароғлари.  
Бир-бирига гал бермай тугамас ардоғлари,  
Онамнинг тенгдошлари, дугона-ўртоғлари. ...

15.06.2009 йил



## ЧИНГИЗ АИТМАТОВГА

### I

Ёнингга боражакман, айт, қайси чўққидасан,  
Бепоён Олатовнинг қайда эрур наъраси?  
Ё Талас водийсида қизгалдоқлар ичрами  
Ёки сенинг маконинг Қоратовнинг дараси.

Тоғи Куркуровларда бургутлардан сўрадим,  
Улар дер: унинг жойи имкондан ташқарида.  
Балки олис Сантошда қўшиқлар излаяпсан,  
Тияншон этаги ё Анорхой даштларида?!...

### II

Мен кезгайман. Қолар изимдан  
Яшил рўмол силкитиб ўрмон.  
Она Буғу шохидек ҳилол  
Юрагимга кирар беармон.

Таласдаги адл теракнинг  
Танасида силқир сирлари.  
Ёш Чингизга давлат келтирди  
Йўқотилган у сигирлари.

Чингиз оға, биз кўрган дунё,  
Тўлғанойнинг дардидек сўлим.  
Мўмин бобо каби иложсиз,  
Ўразбойлар каби беўлим...

Одам умри асли маконда –  
Том устида ўсган бир лола.  
Инсон қалбин қутқарар бир кун  
Оқ кемани излаган БОЛА...

## МУҲАББАТ

“... Ҳақнинг иродаси ва илми-  
дан ташқари дарахт япроги  
қимирламайди ёки одам бирор  
нарсани ният қилмайди”.

**А.Насафий**

“Зубдатул-хақойик”дан

Остонамга урилди илк бор  
Хазон-дарахт ёзган дил сўзи.  
Раҳмат ёғдир унга фалакдан  
Ўттиз етти ёшимнинг кузи.

Унга мендан салом айт, Раббим,  
Дарахтларнинг барги сонича.  
Чумолилар асрлар буён  
Уясига элтган донича.

Минг йилларким, оксоч кирғоқлар  
Кўрган сонсиз тўлқинлар қадар,  
Ва ундаги нотинч сўроқлар –  
Қум зарраси қадар жилвагар.

Дунё пайдо бўлгандан бери  
Ёққан ёмғир саноғича айт.  
Ясалгандир минг-минглаб кўза –  
Ишқ аҳлин бош чаноғича айт.

Токи кутб юлдузи сўнг бор,  
Жилва сочар кунгача салом.  
Бир-бирини қувиб етишган  
Кундуз топган тунгача салом.

Айтсам салом, омон қоламан,  
Саломат кил, эй, мени, Раббим!  
Унга салом айтмас кунимни,  
Маломат кил, эй мени Раббим!

Бийдай булут. Момагулдирак,  
Беркинамиз кўрқиб садодан.  
Юрагимиз – яшин қайтаргич,  
Жой бормидир Унда – Худога! ...

02.09.2009 йил



## БИОГРАФИЯ

Еттигина ёшимда  
Ниҳол экдим қошингда  
Ўсиб Дарахт бўлди Сўз.

Ўн тўртгина ёшимда  
Бир Лайли карошимда  
кушдек кўнди унга кўз.

Йигирмада дарахтим  
ғунча очди, лек ўқтин  
дўл урди-я, ох, эссиз...

Ўттиз етти ёшимда  
ларзон мева берди У –  
ҳам дўстга ҳам ғанимга.

Энди тошлар ёғса ҳам –  
Ҳар йили баҳор бўлар,  
Кесилса – дугор бўлар,  
Дарахтим хосияти  
Бир куни ошкор бўлар...

01.09.2009 йил

Ўтди бу йўллардан музтарин, –  
 Ошиғинг нечага ўхшайди.  
 Кўзларинг тилсимдир, кўзларинг,  
 У масъум кечага ўхшайди.

Мен шоҳид, мен шоҳид, мен шоҳид,  
 Сиз нозли кунларим эртаги.  
 Кезарман оламини худ-беҳуд,  
 Ишқ – тошда гуллаган куртагим.

Сиз Тохир, мен Зухро, сиз Мажнун,  
 Мен яна Лайлидек бўлайми?  
 Шоирлар қалам-ла олмаган  
 Ерларни кўшиқ-ла олайми?

Меҳрим кечаларинг ёритсин,  
 Кўшиғим таралгай оламга.  
 Истайман, у шифо, бахт бўлсин,  
 Кўнглимни тарк этган одамга.



## СУРХОН ТАНОВАРИ

“Ҳеч бир кимса йўқдир бир кимсасиз,  
Ҳар кимсанинг бордир бир кимсаси.  
Бугун ман қолдим бир кимсасиз,  
Кимсам бўлгин эй кимсасизлар кимсаси...”

Уч юз олтмиш мингта сир ҳар кўнгилда бир такрор,  
Шу иксирлар ошиқлар қалбига қувват, мадор.  
Энди менинг шодумон дардим бўлсин “Тановор”,  
Ошиқларинг сардори бу лутфингга сазовор.

Вахшиворнинг йўлида гулхайридай сочилдим,  
Мени кечир қишлоғим, ёт боғларда очилдим.  
Сайробнинг чиноридай умрим бўлса қанийди,  
Душманам тўйида ҳам сени кўрсам қанийди.

Осмон ва ер ораси беш юз йиллик йўл экан,  
Сочинг оқин санама, ўйна экан, кул экан,  
Насибам битигида фақат оҳанг-шул экан,  
Ўзи хунук, дарди тузук, навосоз булбул экан.

Йироқларда бўлса ҳам гулхайридай очил, ёр,  
Қуёшга тут марварид, шабнамдайин сочил, ёр.  
Юрагимнинг тубинда бир умид бор-илинчак,  
Кипригимнинг устида-ей ёрга қурай ҳалинчак.

Кимсам бўлгин сен менинг, чироғи йўқ уйдаيمان,  
Фонусларга куни қолган осмондаги ойдаيمان.  
Дарёсини тополмаган мавжлари шўх сойдаيمان,  
Ҳофизини кутиб ётган миллион йиллик куйдайман.

Бугун менинг шодумон дардим бўлсин “Тановор”,  
Ошиқларинг сардори бу лутфингга сазовор....

## ХОРАЗМЛИК ЕШУЛЛИ

(бир ошиқ тилидан)

Сайёҳ бўлиб бордим бир кун Хивага,  
Папоқ кийиб, миндим ҳатто тевага,  
Ошиқ бўлдим “Ҳовва” деган шевага,  
Дедим: “Дўстлар, ҳов энди бахтим куёши кулди,  
Мени куйдирди ўшал хоразмлик ёшулли!”...

Ичанқалъа теграсинда айландим,  
Ул кадининг ғамзасига бойландим,  
Хоразмда қолсам дея шайландим,  
Қорақумнинг чўли узок, ўйландим.

Чўгирмасин чеккасинда райҳони,  
Бўлдим ахир ул анжирнинг сарсони,  
Жўшсин энди менинг бўлиб сарбоним,  
Лазги билан топдим дилга дармоним.  
Ҳам раққосу ҳам хофиз, хунари турли-турли,  
Жоним ёқди, дим ёқди, хоразмлик ёшулли!

Кўшнаё билан сўзим айтдим хожага,  
Деди: “Ҳой киз, дардинг айтма кўчада!”  
Райҳон бўлиб чаккасига қадалсам,  
Оғам ўзи гулларга дим ўч экан!  
Ҳам гиламдўз, ҳам кулол, хунари турли-турли,  
Жоним ёқди, дим ёқди, хоразмлик ёшулли!

Елда учган камондай отларининг ёли бор,  
Этигинин учинда ажаб-ажаб ноли бор,  
Соз чалганда Комилжон оталарнинг қўли бор,  
Нетай, дўстлар, ҳолгинам бугун минг бор узурли,  
Жоним ёқди, дим ёқди, хоразмлик ёшулли!...

## ОПАМГА

Кечкурун онасиз, кундузи рахбар,  
Опачон мохирсиз, чапдаст, сафарбар,  
Минг йилда топган ул дўстим деганлар,  
Қачон телефон қилсин сизни деганлар?!

Айтинг опам, “Дилда Мажнунча ҳаво,  
Бошимда-чи тождир одоб ва ҳаё”  
Ичдан йиғласа ҳам юзи кулганлар,  
Қачон телефон қилсин сизни севганлар?!

Илиниб яшайман ҳар не неъматни,  
Дастурхон ёзсам ҳам унинг ўрни бор.  
Минг йиллар қалбимда яшаган дўстнинг  
Исмими айтаман тилимда такрор.

Балки мен керакман унга шу топда,  
Балки дардларига топарман дармон.  
Унга бирор тикон санчилса агар,  
Менга унинг зарби қиличдан ёмон.

Опачон, бир лаҳза ишингиз қўйинг,  
Дийдор мактубига қўйинг дастхатлар.  
Дардим айтсам тинглаб, “синглим” деб суйинг,  
Осмондан ёғилсин илоҳий хатлар.

Ахир ёнингиздан ўтиб боряпман,  
Оқса ортга қайтмас дарёман, дарё.  
Қирғоқда қолманг ҳеч гулдаста тутиб,  
Эгасиз гулларга эгадир дунё.

Гуллар ташлаб кетган қирдай ёлғизман,  
Опажон, кўшиққа сиғмайди дардим.  
Гарчи туюлсам ҳам доим сўнгсиз ман,  
Бир кун изласангиз топилмас гардим.

Тонгдан окшомгача гуллар биланман,  
Кўнглим кўрсин – баҳор, гулни деганлар.  
Опам, жоним садқа хар сўзингизга,  
Қачон дийдорлашсин сизни севганлар?!



\*\*\*

Ҳар дилнинг чарчоғи ўзигадир хос,  
Мен севги торларини чертдим-ку бехос,  
Кишларда ўрикдек гуллаганим рост,  
Борлигим кимгадир ортикча холос.

Сен тоғсан – оёғим топади озор,  
Осмонсан – қўлларим узатсам бекор.  
Оппоқ-оппоқ юзлар дардида бемор,  
Оппоқ-оппоқ бўлиб ёғди дилга қор.

Турарман изғирин ўтса ҳам юлиб,  
Қаймоқдай гулларим, тароватимни.  
Шунда ҳам пойингда қайта тирилиб,  
Сенга бағишладим ҳаловатимни.

Икки кўз учрашар тоғнинг пойида,  
Одам Ато билан Момо Ҳаводек.  
Аммо қалбларимиз фироқ сойида  
Созини қидирган олис наводек.

Кун тунга етолмас кувса ҳам гирён,  
Тол бир кун айланар қўлда асога.  
Ҳаёт чалган куйга тўлаймиз товон,  
Бордир бир Фиръавн албат Мусога.

Дарёдек оксанг ҳам, кушдек учсанг ҳам,  
Бўлсанг ҳам шабнамдек ҳаттоки оний,  
Кетма ташлаб мендек нурли заррани,  
Ерликмиз, бахтимиз, лекин осмоний...

Яшаш нима ўзи, тириклик нима,  
Ҳайратланиш нима абадиятдан.  
У – Тангри юборган охирги кема,  
Окибат ахтариш сабабиятдан.

Тавҳид нийнасини жисмима санчиб,  
Таннинг деворидан чиқмоқ бўлар жон.  
Биз дунё сирининг тубига етдик, –  
Умр – бу изҳори дил учун имкон....

04.02.2006 йил



## МУНДАРИЖА

Муаллифдан.....	3
Ватан ҳақида шеър.....	10
Ватан ҳақида сўз.....	11
“Мен сизни соғинсам...” .....	13
Севганлар йиғласин.....	14
Дил соғинган инсонлар.....	15
“Қалдирғочнинг инида...” .....	16
“Қалбда ёнган орзу...” .....	17
“Йиғласам...” .....	18
“Бир юлдузга...” .....	19
“Юрагимда...” .....	20
Севги.....	21
Триптих.....	22
“Баҳорларга ишониб...” .....	23
“Байрамлар...” .....	24
Махтумкули сабоғи.....	25
“Остонагда...” .....	26
Табрик.....	27
“На набий...” .....	28
“Йиллаб...” .....	28
“Истайманки...” .....	28
Синглимга.....	29
“Кўнгил бердим...” .....	31
“Эй, мухлисим...” .....	32
“Тамом...” .....	32
Дард.....	33
“Инсон қалби...” .....	35
Тўй сўзи.....	36
Ҳазил шеър.....	37
Сенинг шеъринг.....	38
“Кўнгил олай...” .....	39
“Шабнам янглиғ...” .....	40
Ньютон қонунларига шарҳ.....	41

“Менинг бахтсизлигим...”	42
“Бизнинг кўнгиллар...”	43
Таскин.....	44
“Ўриклар ҳам...”	46
“Бир тилла кўнғизнинг...”	47
“Бир куни...”	48
“Муҳаббат...”	49
Шоберди бахшига.....	49
“Сен яшашга лойиксан...”	50
“Минг йил яшаймиз...”	51
“Сен кўл силтаб...”	53
Боғ ўртасидаги дарахтга.....	54
Қаламга.....	56
Шоир уйкуси.....	58
“Йўқ, кўрканим...”	58
“Биз иккимиз...”	59
“Ишқ ила...”	60
“Йўлакларда...”	61
Сўз ҳақида сўз.....	62
Ўғлонлар.....	63
“Юзинг кўриб...”	64
Армоним.....	65
Эртақ ёки севишганлар шахри.....	66
Татаббуъ.....	67
“Бир юлдузман...”	68
“Сен, эй юлдуз...”	69
Ҳаётдаги камларим.....	70
Муножот.....	72
“Дилкаш давраларнинг...”	73
“Эй юрак...”	74
“Бугун мен...”	75
Йигит шеъри ёки овул тангоси.....	76
“Қайсидир кўнгилни...”	78
Силсила.....	79
Изҳор.....	81
Чўлпон.....	83

“Мен етиб келганда...”	85
Она ҳақида сўз.....	86
“Бу музей саҳнида...”	88
Ок елкан.....	89
Устоз Нажмиддин Комил ўғитлари.....	90
“Лайли ва Мажнун” достонига шарҳ.....	91
Аллоҳ рози бўлсин муҳаббатимдан!.....	93
Сенинг альбомингга (туркум).....	94
Ўқув залидаги талаба укамга.....	102
Уч сўзу битта тасодиф.....	104
“Шиддат-ла куртаклар...”	105
Учрашув.....	106
“Шудринг кулар...”	108
Мухлисга.....	109
Очик савол.....	111
Онамнинг тенгдошлари, дугона-ўртоғлари.....	113
Чингиз Айтматовга.....	115
Муҳаббат.....	116
Биография.....	118
“Ўтди бу йўллардан...”	119
Сурхон тановари.....	120
Хоразмлик ёшулли.....	121
Опамга.....	122
“Ҳар дилнинг...”	124
“Яшаш нима ўзи...”	125



**Адабий-бадиий нашр**

**Гуландом ТОҒАЕВА**

# **СУВАЙДОГА ЙЎЛ**

*Шеърлар*

**Мухаррир: Адиба Ҳамро қизи**  
**Бадиий муҳаррир: Намоз Толипов**  
**Техник муҳаррир: Мухриддин Ҳамроев**  
**Мусахҳих: Моҳитобон Бузрукова**

**Нашриёт лицензияси:** АИ № 221; 16.11.2012.  
Босишга рухсат этилди: 18.04.2018. Бичими: 84/108 1/16.  
Офсет босма. "Times New Roman" гарнитураси.  
Шартли босма табоғи: 8,0. Нашриёт босма табоғи: 10,0.  
Адади: 3000 нусха. Буюртма: № 06-18.  
Баҳоси келишилган нарҳда.

**Нашриёт манзили:**  
"Yurist-media markazi" нашриёти,  
Тошкент шаҳри, Отчопар кўчаси, 82-уй  
Тел.: 212-47-79, 230-04-74 E-mail: [yurist\\_media@mail.ru](mailto:yurist_media@mail.ru)

**Босмаҳона манзили:**  
"Good group media" МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.  
Тошкент шаҳри, Чилонзор-14, 32-уй.

ISBN 978-9943-5130-3-7



9 789943 513037